КУТУБХОНАСИ
...тлар институти

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 28-sentabr • №39 (4178)

ҲАР БОЛА ЮРАГИ БИР ҚЎРҒОН

Тилимизда қадим-қадимдан «устоз», «устод» сўзлари бор. Эшитганимизда ҳам, айтганимизда ҳам қалбимизда чуқур бир эҳтиром уйғонади. Мана бу машҳур байт ҳаммамизнинг ёдимиз саҳифаларига маҳкам ўрнашган:

Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш...

Ҳазрат Навоий ҳали Алишербек чоғларида, ўсмирлик пайтларида ёзган бу сатрларига малик-ул калом Лутфий ҳазратлари форсий ва туркийда ёзган барча ғазалларини алмаштиришга розилиги ҳақидаги эътирофини биласиз. Бу мавлоно Лутфийнинг ёш истеъдод қаршисидаги ҳайрати эди аслида.

Мавлоно Лутфий Навоий ҳазратларининг бирор ғазалига қалам теккизиб, биз тушунган, ўрганган маънода таҳрир қилмаган бўлса-да, ҳазрат бу туркигўй шоирни ўзига устоз билганига шубҳа йўқ. «Устоз» сўзи хотирамизга ана шундай — Мавлоно Лутфийдаги каби мардоналик билан ўрнашган.

Тарихда ўзи зўр саркарда, зўр аллома бўлгани ҳолда вафот этгандан сўнг жасадини устози қабрининг пойига қўйишларини васият қилган жаҳонгирлар бор.

«Устоз» тушунчаси тафаккуримизга шундай хокисорлик, камтарлик туйғулари билан ёзилган.

Ёки бўлмаса бир ривоятни тез-тез эслаймиз. Гуноҳ қилган истеъдодли устоз ва шогирдни ҳукмдорнинг қаршисига олиб келишибди. У устоз ва шогирдни айбига иқрор қилиб, ўлимга маҳкум этибди. Шунда устоз:

— Шогирдимда айб йўқ. Ҳамма ишни бошлаган мен. У ҳали жуда ёш, куч-қуввати бор. Ҳали сизга, эл-юртга кўп фойдаси тегади. Уни авф этиб, мени ҳозиргидан кўра ўн чандон азоблироқ ўлимга маҳкум этинг, — дея ўтинибди.

Ўз навбатида шогирд ҳам:

— Йўқ, ҳукмдорим! Мен қизиққонлик қилдим, устознинг хаёлини буздим. Ҳамма айб менда. Устоз айни донишмандлик фаслида. Авф этсангиз, сизнинг, юртнинг катта юкини елкасида кўтаради. Мени ҳозиргидан кўра юз чандон оғирроқ қийноқли қатлга маҳкум этиб, устознинг жонини асраб қолинг, — дея илтижо қилибди.

— Мени устозу шогирднинг бир-бирига садоқати қойил қолдирди. Шунинг учун икковига ҳам ҳаёт ваъда қиламан, — деган экан ҳукмдор.

Устоз ва шогирд қиёфаси хотирамизга ана шундай садоқат ҳисси билан ўрнашган. Лекин ўқитувчи, муаллимга нисбатан истиқлолгача «Устоз» дея камдан-кам ҳолларда мурожаат қилинар эди. Ҳар бир вилоятнинг сўзлашув лаҳжасига қараб кимлардир «муаллим», «домла», «домулла», яна бошқалар «фалончи ака», «фалончи опа», «ўрток писмадончиев (ёки -ева)» дея юзланишарди. Ҳатто Хоразм тарафларда шунчаки «ўрток» дея аташганларини ҳам биламан. «Ая», «оя», «опай»... хуллас, шунга ўхшаш атамалари кўп муаллимликнинг.

Давоми иккинчи саҳифада.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



Наманган вилоятидаги 37-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Манзура Каримова шогирди билан.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Жиянбой ИЗБОСКАНОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ЭР ДАВЛАТИ ЭЛИДА

Ҳар тонг уйғониб Ватанимиз мадҳиясини тинглайман. Қадим диёримизнинг шону шавкати, халқимизнинг куч-қудрати, орзу-ниятларимиз ва миллий ғуруримиз ифодаланган мадҳия изидан қулоғимга булбулларнинг чаҳ-чаҳлаши, отларнинг дупурлаб кишнаши, одамларнинг қадам товушлари эшитилади. Тириклик қўшиғи янграйди. Оламни чароғон этиб, қуёш нурлари таралади. Юртдошларимиз ғайрат билан юмушга отланади.

Мустақиллик байрами арафасидаги ана шундай оппоқ тонгларнинг бирида Тошкентдан хушхабар келди:

— Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони билан мукофотланибсиз. Унвон муборак бўлсин!

Дил изҳори

Ростини айтсам, дастлаб қулоқларимга ишонмадим. Юрагимда миннатдорлик ва шукроналик туйғулари жўш урди. 28 августни ҳаётимдаги энг бахтли кун сифатида кутиб олдим. Дўстларим, ҳамюртларим шодлигини айтмайсизми?

Қорақалпоқ адабиётига берилган бу мукофот барча ҳамкасбларимнинг кўксини тоғдай кўтарди. Мени янада ёниб ижод қилишга ундади. Ижодий фаолиятимиз дастури "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида аниқ белгилаб берилган: "Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунини ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир".

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари юрагимизга ёзилиб қолган, қалбимиз амрига айланган. Мустақилликка эришганимиздан, Бирлашган Миллатлар ташкилоти қошида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турганидан буён биз тараққиётда дунёдаги кўп миллатлардан ўзиб кетдик.

Одамлар замондаги ўзгариш ва янгиланишларни ифодаламоқчи бўлса, гурунглашганида 50 йил илгари ундай эди, 30 йил илгари бундай эди, дея қиёслашарди. Ҳозир эса тараққиёт суръати шу қадар шиддатлики йил сайин эмас, ой сайин, кун сайин, соат сайин ўзгаришлар ва ривожланишлар рўй бермоқда. Бу воқеалар шундоқ кўзимизнинг ўнгида содир бўлаётир.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўқитувчи ва ижодкор меҳнатининг ўхшаш томонлари кўп. Иккиси ҳам оламга, одамлар қалбига зиё таратади. Дунё ва унинг моҳияти, ҳаёт сабоқлари ҳақидаги билим билан одамлар юрагини забт этади, онгу шуурини равшанлантиради, юракларга йўл топиш учун муттасил изланади. Ўқитувчининг ҳам, ижодкорнинг ҳам юзма-юз суҳбатдоши, сирдоши, тингловчиси ўқувчидир. Шундай экан, бу иккала касб эгаси ҳам ўқитувчи, айни пайтда, ижодкордир.

МУАЛЛИМ — ИСТИҚБОЛ ИЖОДКОРИ

Ўқитувчию ижодкорнинг қуроли сўз, ёзув, қалам ва қоғоз, дафтар ва китоб. Икки касб эгаси ҳам ўқувчи билан юзма-юз келишдан олдин ёзади ва изланади. Ўқитувчи мактабда сабоқ берса, ёзувчининг асарлари мактабда мутолаа қилинади. Моҳир ёзувчилар мактаб яратган ёзувчи дейилиши ҳам бежиз эмас.

Инсон қалби, онгу шуури ва дунёқарашини забт этиш учун мафкуравий курашлар авж олган бугунги замонда ўқитувчи меҳнати ҳам ижодкорликни талаб этади. Ўқитувчи ижодкор бўлса, бу мактабнинг бахти, ўқувчининг бахти. Ўқувчи ижодкор бўлганда эса нур устига нур. Бундай муаллимлар тарбиялаган ўқувчилар баркамол инсон бўлиб етишади.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан газетамизнинг тўртинчи саҳифасида ҳам таълим, ҳам ижодга дахлдор муаллифларнинг шеърларидан намуналар берилмоқда.

4

КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУ

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг устоз ва мураббийлар шаънини улуғловчи мазкур мисралари бугун минг-минглаб одамларнинг тили ва дилида кўп бора янграмоқда. Зотан, маънавий камолот кўзгуси сифатида ёш авлод ибрат олиб улғаядиган муаллимларимиз ана шундай юксак шараф ва эҳтиромга муносибдир. 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами муносабати билан "Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили" мавзуида Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман ҳам бугунги кунда муаллим ва мураббийнинг обрў-эътибори, зиммасидаги масъулияти янада ошганлигини намоён этди.

Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда юртимизда амалиётга жорий этилаётган узлуксиз таълим тизими, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган таълимнинг "Ўзбек модели" самаралари ҳақида сўз борди. Айни чоғда мактабларга ёш мутахассисларни жалб қилиш, ёш истеъдод соҳибларини таълим-тарбия жараёнига таклиф этиш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, бу йил олий ўқув юртларини грант асосида битирган етти ярим мингдан зиёд ёш мутахассис мактабларда ишлашга жалб этилмоқда.

Анжуман

Ҳукуматимиз томонидан моҳир педагогларни қадрлаш, фидойи муаллимларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ таълими вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган устоз ва мураббийларнинг олти нафари "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирлагани, яна қанчадан-қанча муаллимларимиз мамлакат орден ва медаллари билан мукофотлангани ҳам фикримиз далилидир. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида уч миллиондан кўп ўқувчилар таҳсил оладиган 8500 дан зиёд мактабларда қурилиш ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. Бу йил, шунингдек, ўқувчилар спорт билан шуғулланадиган 170 та спорт иншоотида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимизда 175 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Халқ таълими вазири Темир Ширинов, Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи Музаффар Комилов, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази бўлим бошлиғи Шамсиддин Жумаев, халқ ўқитувчилари ва бошқа мутахассислар қайд этиб ўтган ушбу мисоллар мамлакатимизда амалиётга татбиқ этилаётган узлуксиз таълим тизимининг афзалликлари ҳақида тўлиқ тасаввур олиш имконини берди. Оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари ва журналистлар халқ таълими соҳасида юз бераётган бугунги жараёнларга доир ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

"Style.UZ" — 2012

30 сентябрдан 5 октябрга қадар пойтахтимизда II "Олтин гепард" халқаро кинофоруми бўлиб ўтади.

Шундай санъат турлари борки, уларнинг ривожи маълум бир мамлакат ёки минтақа миқёсида чекланиб қолмайди. Буни кино санъати мисолида яққол кўриш мумкин. Экран санъатининг сўнгги йиллардаги тараққиётига назар ташларкансиз, соҳа ижодкорлари тинимсиз изланишда эканига амин бўласиз. Дунё киноси йилдан-йилга янги ижодий услублар, замонавий технологиялар билан бойиб бормоқда. Шунга яраша томошабинлар савияси, суратга олинаётган филмларнинг бадиий хусусиятлари ҳам янгиланиб бораётир.

"ОЛТИН ГЕПАРД"НИНГ ЯНГИ ОДИМИ

Бугун жаҳон киносини кўплаб ирмоқларга эга катта бир дарёга қиёслаш мумкин. Албатта, ҳар бир санъат ихлосманди ушбу маънавият манбаидан бахраманд бўлишни, кино санъатининг юксак намуналари билан яқиндан танишишни истайди. Бироқ шу ўринда бир савол туғилади: бугун ўзбек киноси дунё кинематографиясида қандай мавқега эга? Миллий кино санъатимиз айни пайтда қайси ўзанлар орқали катта дарё сари интилмоқда? Бу масала соҳа мутахассислари қаторида оддий мухлисларни ҳам қизиқтириши шубҳасиз. Зеро, жаҳон киноси эришаётган ютуқлар миллий кино санъатимиз учун ўзига хос мезон бўлиб хизмат қилади.

Давоми бешинчи саҳифада.

Самиддин ЛУТФУЛЛАЕВ:

АКТЁР ЖОНЛИ МУЛОҚОТДА ТОБЛАНАДИ

5

Қутлаймиз!

"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмаси асосида таниқли кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олган "Паризод" (ёзувчи Эркин Аъзамовнинг "Фаришта" қиссаси асосида) филми Анапа шаҳрида ўтган "Киношок — 2012" халқаро кино фестивалида анжуманнинг бош соврини — "Олтин новда" мукофотига сазовор бўлди.

Миллий урф-одатларимиз талқин этилган ушбу филмда асосий қаҳрамон ролини ёш истеъдодли актёр Самиддин Лутфуллаев ижро этган.

"БУНЁДКОР" СПОРТ САРОЙИ
бунёдкорлик тимсоли

Ифтихор

Футбол — бу халқ севган ўйин. Гарчи у ўзбекча номланмаса-да, Ватани ҳам Англия ҳисобланса-да, тушуниш осон бўлгани, қонун-қоидалари оддий тарзда тузилгани, муҳими, у билан ҳар бир киши бемалол шуғулланиши учун ҳам футбол бутун дунёда машҳур бўлиб кетган, ҳар бир халқ уни ўзиники деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам у халқ ўйини, миллионлар ўйини деб аталади.

Тарихимизга мурожаат қилсак, Қўқонда бошланган футбол ўйини, аввало, водийнинг шаҳар ва қишлоқларига, кейинчалик бутун Туркистон ўлкасига кенг тарқалган. Ўзбек футболининг чинакам юксалиши, жаҳоннинг футбол тараққий этган мамлакатлари билан бўйлаша олиш жараёни, албатта, мустақиллик йилларида юз берди.

Мустақиллик йилларида ўзбек футболи ҳам бошқа соҳалар каби тараққиёт йўлига кирди. Ҳукуматимизнинг футболга доимий эътибори, аниқ амалий кўрсатмалари мамлакатимизда бу спорт турининг янада ривожланиши ва оммалашувига асосий омил бўлди. Сабаби, давлатимиз раҳбари айтганидек, мамлакатимизнинг миллион-миллион мухлислари, аввало, ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жозибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилишни юксалтириш, шак-шубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.

Давоми олтинчи саҳифада.

ЭР ДАВЛАТИ ЭЛИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол йилларида барпо этилган Қўғирот сода заводи Устюртга ҳаёт бахш этиб, исми жисмига монанд Элобод деган шаҳарча бино бўлишига замин яратди. Бу ерда Тошкент кимё технология институти филиали, йодланган туз, селикат ғишт, минерал кукун ишлаб чиқарувчи ўнлаб қўшимча тармоқлар очилди. Заводнинг техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Ислом Жақсимуратовнинг таъкидлашича, завод асосан кальцийланган сода ишлаб чиқаради. 2006 йилда 12800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу кўрсаткич ҳозирда салкам юз минг тоннани ташкил этаётган экан. Элобод шаҳарчасида 320 ўринга мўлжалланган мактаб, 90 ўринли мактабгача таълим муассасаси, маданият саройи, турли маиший хизмат кўрсатиш бинолари заводнинг ишчилари ва уларнинг фарзандлари хизматида. Қувончли жиҳати шуки, заводда меҳнат қилаётган 1400 нафарга яқин ишчи ва ходимларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшлар корхонанинг истиқболидир.

Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши бошланиши эса ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги улкан воқеа бўлди. Соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, адабиёт соҳаларида ҳам туб ислоҳотларнинг самараларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Бу йил Қорақалпоғистонда рўй берган яна бир янгилик мени, айниқса қувонтирди. Нукус шаҳри аэропорти халқаро мақомга эга бўлди. Ҳозир ҳафтасига уч маротаба "Боинг — 737", "Ил — 114", "RJ — 85" русумли ҳаво кемалари қорақалпоқ осмони узра парвоз этаётир. Қанотларига Ўзбекистон Республикаси байроғи ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси эмблемаси туширилган улкан пўлат қушлар штурвалини қорақалпоқ ўғлонлари ҳам бошқараётир. Бундай бахт илгари бизнинг халқимиз учун ширин туш эди, холос.

Илгари Тошкентга бориш учун қўшни мамлакат ҳудудидан роса айланиб йўл босишимизга тўғри келарди. Ҳозир Қизилқум сахросини кесиб ўтган янги темир йўлдан юраяпмиз. Қатнов вақти 7-8 соатга қисқарди. Темир йўл қурилиши борасидаги ишлар Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий равнақида муҳим роль ўйнамоқда. Қадимги Ипак йўли бугун жаҳон андозаларига жавоб берадиган йўлларга айланиб жаҳоннинг улуғ йўлларига туташди.

Бугун бутун Ўзбекистонда, шу жумладан Қорақалпоғистонда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари очилиб борилаётир. Биргина Нукус шаҳрини олайлик, бундан уч-тўрт йил олдин келган одам бугун янги шаҳарни танимай қолади. Замонавий типдаги лицей, коллеж, юзлаб мактаблар, сўнгги меъморий усулда қад ростлаган турар жойлар, спорт майдонлари, стадионлар, маданият саройлари, театр, давлат идораларнинг янги бинолари шаҳримиз чиройига чирой қўшиб турибди. Нукуснинг янги обод этилган бош майдонига боқсанг, кўзинг яшнайди, дилинг қувнайди.

Истиқлолимиз мўъжизаларидан яна бир мисол айтай. Оддий қорақалпоқ боласи мактаб ёки олий ўқув юртининг бакалавриятини битказгандан сўнг Лондонда, ё бўлмаса Германиянинг, керак бўлса, Америка Қўшма Штатларининг катта шаҳарларида ўқишни давом эттириши мумкинлиги илгари бизнинг тушимизга ҳам кирармиди? Йўқ, албатта.

Ҳар икки уйнинг бирида Андижондаги Асака автомобил заводида ишлаб чиқарилган янги моделдаги "Матиз", "Нексия", "Ласетти" автомашиналари борлигидан ташқари, ҳатто олис овул боласининг уйида ҳам компютер бор, у интернетга эмин-эркин улана олади. Бугун халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқараши, онгу шуури ўзгарди. Булар энди кечаги содда одамлар эмас.

Юқорида таъкидланган ривожланиш ва юксалишларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати биландир. Мустақиллик бизга яна не берди? Дўстлик муносабатларига янги мазмун берди. Масалан, шу йил Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Тупроққалъа ёдгорлигида ва Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи биносида бўлиб ўтган "Асрлар садоси" маданият фестивали тадбирларида дунёнинг турли мамлакатларидан вакиллар қатнашди. Уларнинг миллий урф-одат, анъаналаримизга, санъатимизга қизиқиши, ҳурматэътибори ва ихлоси янада ортди. Бу ҳам элимиз аро эсган мустақиллик шабадаларининг ҳур нафасидир.

Биз ўзимиздан кейин келадиган авлодларга, Юртбошимиз сўзи билан айтганда, озод ва обод, минг йиллик дарахтдек илдизи бақувват, Ўзбекистон деб аталувчи бетакрор мамлакатни қолдиришимиз зарур! Бунинг учун аввало адабиётни ривожлантиришимиз зарур.

Мана, биз истаган, орзу қилган ва интилган давр келди. Юртбошимизнинг "Ёзувчилар уюшмаси қошида Ижод жамоат фондини тузиш ҳақида"ги қарори, "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида баён этилган фикрлар бизга дастурламал бўлди. Миллий адабиётни янада ривожлантириш учун қабул қилинган ушбу қарорнинг самараларини кўрмоқдамиз. Ёзувчилар учун яратилган шарт-шароитлардан биз қорақалпоқ ижодкорлари ҳам баҳраманд бўлмоқдамиз. Истасак, Дўрмондаги Ижод уйининг шинам ва қулай хоналарида асарлар ёзамиз. Ёзувчилар уюшмасининг янги қурилган поликлиникаси эса соғлиғимизга посбон. "Амударё", "Қарлиғач", "Жеткенчик" журналлари, "Қорақалпоқ адабиёти" газетасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сарвиноз Мусатдинова, Сабоҳат Саъдуллаева, Меҳрибонгул Тожимуротова каби ёш ижодкорларнинг илк китоблари Ижод фонди ҳомийлигида нашр этилди...

Чин дилдан қилинган ҳалол меҳнатнинг барибир бир куни натижаси бўлар экан. Биз бор кучимизни, бадиий сўзга бўлган меҳримизни, истеъдодимизни мустақиллик даври адабиётини янада ривожлантиришга сарфлайверамиз. Нега деганда, шоир халқи учун Ўзбекистондай озод ва обод мамлакатнинг камолини, жамолини куйлашдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Эр давлати элида, деган ўзбек ҳалқ мақоли бор. Элнинг иши — эрнинг иши. Элини севган эр йигитни эл қадрлайди. Йигит эли билан бахтиёр бўлади, муроду мақсадига етади. Шу дамда элимнинг юрт ҳақида куйлаган қўшиғи хаёлимдан ўтаётир:

Жайҳун ёқасида ўсган бойтерак,
Тани бир, новдаси мингтадир демак.
Сен шундай фаровон, қуёшли элсан,
Тинчлик ва бахт-иқбол сендаги тилак.

ҲАР БОЛА ЮРАГИ БИР ҚЎРҒОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиқлол даврида таълим муассасаларида илму одоб ўргатувчи ўқитувчиларга расман «устоз» дея мурожаат қилинадиган бўлди. Буни шунчаки бир номнинг иккинчисига ўзгартирилиши деб қабул қилмаслик керак. Чунки устозликнинг мақоми кенг, масъулияти катта. Устозлар болаларнинг фақат мактабда ўтадиган бешолти соат дарси учунгина эмас, тақдири, тўла маънода миллат, халқ бўлиб шаклланишлари учун ўзларини жавобгар ҳис этадилар.

Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Верахоним Пак бир таъсирли воқеани гапириб берган эди. Верахоним Меҳрибонлик уйи болаларини қизиқишларига қараб дарсдан сўнг турли машғулотлар билан банд қилишга одатланган экан.

Иккита ўсмирни соатсоз устага олиб борибди. Соатсоз Верахонимнинг ҳурмати учун уларга ҳунар ўргатишга рози бўлибди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, директорни чақирибди:

— Мана, болаларингиз, иқтидори бор, қунт қилишса, ҳунар ўрганса бўлади. Лекин улар келгандан буён бир-иккита соатим йўқолиб қолди, — дебди.

Директор уста ҳузурида болаларни сўроқ-савол қилмабди, йўқолган буюмлар пулини тўлабди.

— Уста, булар айбдор эмас, уларга тўғриликни, ҳалолликни ўргата олмаган мен айбдор, — дебди...

Болаларни эса чурқ этмай, Меҳрибонлик уйига эргаштириб қайтибди. Келгач, ҳар иккала бола:

— Бизни деб юзингиз қаро бўлди, бошқа бундай қилмаймиз, — деб йиғлаб, ёлворишган экан.

— Ҳар бирининг ҳаётда ўрнини топиши, ҳатто қиз болаларнинг ўз оиласида бахтли бўлиши учун ўзимизни масъул биламиз, — деган эди қаҳрамон муаллима суҳбатимиз чоғида: — Бир куни битта қизим ярим тунда боласини кўтариб уйимга келибди. Қайнонаси уни:

— Етим, — дебди.

— Юринг, сиз менинг онамсиз-ку. Ўзингиз бош бўлиб узатгансиз. Қайнонам онам борлигини ҳис этсин, — дейди.

Тонг билан йўлга тушдик. Бир она боласи учун қандай ҳимояга тайёр бўлса, шундай ҳимоя қилдик...

Верахонимнинг ҳаётида устозлик қадрини кўрсатадиган бундай мисоллар тўлиб-тошиб ётибди.

Ҳа, Ватан мустақиллиги барча касб кишилари каби устозларни ҳам ижодкорга, ташаббускорга айлантирди. Айниқса, «Йил ўқитувчиси» танловининг ташкил этилиши устозлар учун фақат беллашув майдонига эмас, таълим-тарбиянинг янгидан-янги услубларини кашф этиш фурсатларига айланди.

Марғилондаги ихтисослашган мактаб-интернатлардан бирида фаолият олиб бораётган Фотимахон Тўрақулова ўз иш тажрибасидан шундай ҳикоя қилади:

— «Энг китобхон ўқувчи» танловини анъанага айлантирдик. Ўқувчиларимиз фақат адабий, тарихий асарларни ўқиш билан чекланмайди. «Китобхонлик қайдлари» деб аталган алоҳида дафтар тутади. Ҳар бир қаҳрамон, персонаж ҳақида фикрларини ёзади. Шевалар, архаик сўзлардан луғатлар тузади. Сўзлар этимологиясини изоҳли луғатлардан ахтариб топади...

Бу, ахир, фақат китобхонлик эмас, бутун бошли бир илм-ку. Ўқувчи бу ўрганишлар аро қанчалар ўсади, юксалади, фикрати ёришади. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактаби муаллимаси Шоира Рауфова иш тажрибасини кузатдим. Муаллима ҳар дарсининг беш, ўн дақиқасини эркин фикрлашга ажратар экан.

Ўртага савол ташланади. Саволлар жиддий: шаҳар шароитида қандай тадбиркорликни жуда муҳим ҳисоблайсиз? Бу тадбиркорликни кузатасизми? Нимасини эътироф этасиз? Нимасини рад этасиз? Сериаллар ҳақида, спорт ҳақида, хориж ҳаёти ҳақида...

Ўқувчилар бемалол ўз нуқтаи назарларини баён этишаяпти, қайсидир нуқтада сал бундайроқ фикр айтса ҳам устоз уни охиригача эшитиб, сўнг муносабат билдиради.

— Эркин фикрли, мустақил фикрли фуқаролар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни гапиришга, тинглашга, баҳс маданиятига ўргатиш керак, — дейди устоз.

Ёки Юнусобод туманидаги китобхонликни тарғиб этиш бўйича ном чиқарган нишондор муаллима Маҳмуда Валиева ўқувчиларини хат ёзишга, мактуб ёзишга, кундалик тутишга ўргатади. Булар нима беради? Истиқлол жамияти учун ўртамиёналикнинг энг хатарли иллат. Ўртамиёна фикрловчи, ўртамиёна иш қиладиган одамлар ҳаётда сезилар-сезилмас яшайверадилар. Улар фикр айтишга, ташаббус кўрсатишга чўчийдилар.

Бир пайтлар мен ҳам мактабда муаллимлик қилганман. Ўқувчиларга маънавий жиҳатдан ҳеч нарса бермайдиган, фақат ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан мактаб дастурига киритилган мавзу ўрнига болаларимни «Қўриқчи» («Чучело», «Белорусфилм» маҳсулоти эди) киносини кўришга олиб кетганман. Хунукроқ бўлгани боис ўзига ишончини йўқотган ўсмир қизнинг изтироблари ҳақида эди бу филм. Бу изтироблари тушунган, бу изтиробларга ечим излаган муаллима ҳақида эди. "Болаларни дарсдан олиб чиқиб кетган", деб педагогик кенгашда масаламни муҳокама қилишган эди.

Ўша даврларни эсласам, бугунги таълим-тарбияга оид энг яхши ташаббуслари қўллаб-қувватланаётган устозлар, мураббийларга ҳавасим келади. Таълим-тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани барча соҳаларда ижобий натижаларга пойдевор бўлмоқда.

Устоз ҳамиша устоз бўлиб қолаверади, бугунги ўқувчи эса эртага шифокор, санъаткор, қурувчи, ёзувчи бўлади.

Лондон Олимпиадаси олтин медали соҳиби Артур Таймазов ҳал қилувчи беллашувга чиқадиган оқшом бутун Ўзбекистон ухламади, ҳисоб. Ҳамма бир юрак, бир жуфт кўзга айланиб спортчимиздан ғалаба кутдик. Франция, Италия саҳналарида Европа санъатининг шоҳ куйларини уларнинг ўз чолғуларида чалиб, гулдурос олқишлар олиб келаётган ёш санъаткорларимиз исмини эшитганда юрагимиз кўксимизга сиғмайди. Ҳиндистон, Япония кўргазма залларида картиналари олтин медал билан баҳоланаётган ёш рассомларимиз ҳақида эшитсак, бир бош ўсамиз. Улардаги шижоат, биздаги фахру ғурур, кўзимизда халқаланган бу қувонч ёшларида ота-онамиз қатори устозларимизнинг меҳнати беқиёс. Бу туйғулар осмондан тушмайди. Меҳр, эътибор, тарбия билан унади, ўсади, камол топади.

Тарбиячилар, таълим берувчилар армиясининг лашкарбошилари устозлардир.

Фарғона давлат педагогика институтида (ҳозирги университет) ўқиётганимизда раҳматли устозимиз, доцент, филология фанлари номзоди Асқарали Шароповга синов ё имтиҳон топшираётиб "Фалончи айтганидек", дея кимдандир иқтибос келтирсак, "Фалончи нима деганини мен яхши биламан. Менга ўзингнинг фикрингни айт, ўзинг нима дейсан шу асар ҳақида!", дер эди. Бугунги муаллим ўз изидан ана шундай ўз фикрига эга, кўксида Ватани бедор ёшларни эргаштириб кетаётир:

Ҳар бола юраги бир қалъа,
Шу қалъага содиқ соқчисиз.
Қўлингизда илм — машъала,
Устоз, Сиз шу қадар яхшисиз!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ТЕАТРЛАРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги иккита театр навбатдаги мавсумини бошлади.

Янги мавсумнинг очилиши шодиёналари дастлаб Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театри биносида бўлиб ўтди. Томошабинларни театр биноси олдида карнай-сурнай ва ноғора садолари қарши олди. Жамоа актёрлари мухлисларга театрлаштирилган томоша намойиш этдилар.

Шундан сўнг театр қўнғироқлари уларни залга чорлади. Драматург Рихсивой Муҳаммаджонов асари асосида Мурод Ражабов саҳнага қўйган "Осмондаги ҳулкарим" номли янги спектакл билан театр ўз мавсумини бошлади.

"Мустаҳкам оила йили"га бағишланган мазкур спектаклда асосий ролларни театрнинг ёш истеъдодли актёрлари Зулфия Умирова ва Расулхон Қодирхонов ижро этди. Шунингдек, томошабинлар Турғун Бекназаров, Мақсуда Отажонова, Собиржон Бекжонов, Муҳаббат Сотиболдиева каби таниқли актёрлар ижроларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Мухлислар мавсум давомида театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган "Асл хазина", "Суперқайнона", "Африка гўзали", "Матонат", "Гаровдаги муҳаббат" каби спектакларни кўришга муваффақ бўладилар.

Ҳозир ижодий жамоа драматург Холиқ Хурсандов асари асосида "Алла" спектакли устидаги ишларни бошлаб юборган. Мавсум давомида жамоа шу муаллифнинг "Тўмарис" асарини ҳамда бугуннинг долзарб мавзуларида ёзилган бир неча асарларни саҳналаштиришни ният қилган.

* * *

Ўзбек давлат драма театри жамоаси эса мавсумни мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган "Медея" спектакли билан очди. Асарни театрнинг бош режиссёри Сайфиддин Мелиев саҳнага қўйган.

Медея ролини мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига биноан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланган Гулбаҳор Йўлдошева маромига етказиб ижро этди. Навбатдаги мавсумда ҳам театр мухлисларини бир неча янги асар билан хушнуд этиш ниятида. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад ҳикоялари асосида "Маҳалла ҳангомалари", Одил Ёқубовнинг "Қанот жуфт бўлади" қиссаси асосида спектакллар саҳналаштириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, чет эллик ижодкорларнинг умуминсоний мавзудаги бир неча асарларини саҳналаштириш мўлжалланган. Шулардан бири америкалик адиб Жон Патрикнинг меҳр-оқибат, фарзандлик бурчи, инсонийлик ғоялари асос қилиб олинган "Ғалати Севиж хоним" асари асосида "Севаман дейиш шартмас" спектаклидир. Навбатда Н.Гоголнинг "Аҳлдан озган кишининг ёзғанлари" қиссаси асосида саҳна томошаси яратиш кўзда тутилган. Айни кунларда ҳар икки театр жамоаси режадаги янги асар устида изланиш олиб бормоқда.

Г.УМАРОВА

"ТУРКЧА-ЎЗБЕКЧА, ЎЗБЕКЧА-ТУРКЧА ЛУҒАТ"

Доимий ҳамроҳ

Луғатшунос Бердақ Юсуфнинг "Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча луғат"и "Тафаккур" нашриётида (2012) чоп этилди. Муаллиф мазкур луғатнинг яратилишига сабаб бўлган эҳтиёжни изоҳларкан, давр тақозоси туфайли турк тилида ўзбеклар тушунмайдиган, ўзбек тилида эса турклар тушунмайдиган сўзлар кўпайганини таъкидлайди. Вазиятни тўғри англаб етган қозоғистонлик, қирғизистонлик, ўзбекистонлик йирик луғатшуносларнинг икки тилли луғат яратишга ўзларининг кучларини сафарбар этишди. Чунончи, Гулзура Жумакунова "Туркча-қирғизча луғат" (Бишкек, 2005). Аябек Байниязов ва Жанар Байниязова "Туркча-қозоқча луғат" (Алмаота, 2007) яратишди. Бу луғатлар 50000 сўздан иборат. Бердақ Юсуф луғати, гарчи сўзлар сони жиҳатидан кам бўлса-да, олим қардош луғатшунослардан фарқли равишда икки томонлама луғат ярата олди ва тил ўрганувчилар учун қулайлик туғдирди.

Луғат икки катта қисмдан иборат. Биринчи қисм "Туркча-ўзбекча луғат" деб аталиб, у "А" ҳарфи билан бошланиб, "Z" ҳарфи билан тугалланган. Мазкур қисмда жами 27 ҳарф билан бошланувчи туркча-ўзбекча сўзлар ўрин эгаллаган. Иккинчи қисм эса, "Ўзбекча-туркча луғат" деб номланиб, анъанавий тарзда "А" ҳарфидан бошланиб, "Ch" ҳарфи билан тугалланади ва унда жами 28 та ҳарф билан бошланувчи ўзбекча-туркча сўзлар жамланган.

Китоб сўнгида муаллиф турк тили грамматикаси ҳақида ўзбек ўқувчиларига қисқача маълумотлар беради. Унда турк тили фонетикаси, морфологияси (шахс-сон қўшимчалари, феъл замонлари, майл, келишик қўшимчалари, феълларнинг тусланиши, сифатдош феъл, равиш феъл) ҳақида жадваллар ёрдамида мухтасар грамматик маълумотлар қайд этилган. Шу билан бирга, ўзбек тилини ўрганувчи ўқувчиларга ҳам грамматик материаллар тавсия этилган.

Луғатдаги муҳим янгилик шуки, китобнинг охирги саҳифаларида "География номлар"нинг туркча-ўзбекчаси берилган. Жумладан, шундай шаҳар ва жой номлари борки, уларнинг ўзак қисми турли хорижий тилларда ўзгаришга учрайди. Шу боис, таржимон ва тил ўрганувчилар учун географик жой номларини ушбу луғат ёрдамида тўғри ўқиш бағоят аҳамиятлидир.

Луғатда адабиёт, астрономия, биология, дипломатия, физика, география, геология, кимё, кинематография, сиёсат, социология, театр, тилшунослик, шахмат, иқтисодиёт, фалсафа, этнография, ҳарбий соҳа ва фанларга оид сўзлар ҳам ўрин олган. Хусусан, адабиётшуносликка, бошқа илмий соҳаларга доир юзлаб сўзлар келтирилган. Луғатда оддий сўзлашув услубига хос сўзлардан ташқари, тор мутахассисликлар, яъни илмий услубга, публицистик-оммабоп, расмий-идоравий услубига оид, шунингдек, оддий маиший турмушга дахлдор бир қанча фаол ва нофаол сўзлар жамлаб берилганки, бу фойдаланувчилар учун катта имкониятлар яратади.

Фидойи луғатшунос Бердақ Юсуфнинг "Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча" луғати кенг китобхонлар, тил ўрганувчи ихлосмандлар, филолог мутахассислар учун мўлжалланган китобдир. Ишонамизки, илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар учун ҳам ўз изланишларини турк ёки ўзбек тилларида ёзишда мазкур луғат асосий ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда бу китоб қадимдан адабий, маданий алоқада бўлиб келган ўзбек ва турк халқларининг мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлигидан нишонадир.

Эътирозли томони шундаки, нашриёт луғатни оддий газета қоғозида чоп этган. Бизнингча, бу ўзини оқламайди. Чунки бундай луғатлардан, одатда, ҳар куни фойдаланилади. Шу боис, тинимсиз варақланадиган китоблар энг сифатли қоғозга чоп этилиши мақсадга мувофиқдир.

Луғатшунослик соҳасининг заҳматкаши Бердақ Юсуф икки тилли луғатлар яратиб, ўзбек луғатчилигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шубҳасиз, муаллифнинг бу янги луғати ҳам тил ўрганувчилар, тилшунослар, таржимонлар, тадқиқотчилар учун муносиб туҳфа бўлди.

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари номзоди

"ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"
2012 йил, 3-сон

Журналларни варақлаганда

Журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида таниқли тилшунос олим Азим Ҳожиевнинг "Ўзбек тили аналитик феъларининг моҳияти" мавзусига бағишланган тадқиқотининг кириш қисми эълон қилинган. Таҳририят изоҳида айтилишича, олим ҳаётлигида нашрга тақдим этган ушбу мавзудаги туркум мақолалар журналнинг кейинги сонларида берилади. Тилшунослар Д.Лутфуллаеванинг "Синтономик бирликларда прагматик муҳит масаласи" ва Н.Жўраеванинг "Тарихий-бадиий асарларда оламнинг лисоний манзараси" мақолаларини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.

Адабиётшунослардан Бахтиёр Назаровнинг "Илмий теранлик ва холислик" мақоласи миллатпарвар, фидойи олим Эрик Каримовнинг илмий-ижодий фаолиятига бағишланган бўлса, Иброҳим Ҳаққулов мақоласи ўзбек адабиётшунослиги ва навоийшунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган академик Воҳид Абдуллаев ҳақида. Шунингдек, "Адабиётшунослик" рукни остида Жаббор Эшонқулнинг "Ўзбек халқ қўшиқларининг таснифи масалалари", Бурҳон Абулхайровнинг "Миён Бузрукнинг ўзбек адабиётида тасаввуф масаласига доир қарашлари" мавзуларидаги илмий мақолалари билан танишасиз.

Илмий ахборот характеридаги кичик тадқиқотларда Мискин ҳаёти ва ижоди (О.Сафаров, Ҳ.Сафарова), халқ достонларини ўрганишнинг янги босқичи (Б.Мирзаева), "Китоби дадам Қўрқут"нинг ўрганилиш тарихи (В.Атахонова), бадиий тафаккур ва талқиндаги ўзига хослик (З.Пардаева), ҳозирги романчиликда услуб индивидуаллиги (Х.Тўлибоев) каби мумтоз ва ҳозирги адабиётнинг, тил ва халқ оғзаки ижодининг қатор масалалари ёритилган.

Абдуҳамид Нурмоновнинг "Люсьен Теньернинг лингвистик концепцияси", Тўра Нафасовнинг "Олтойшуносликка оид янги тадқиқот" каби эътиборга молик мақола ва тақризлари, заҳматкаш олимлар ҳақидаги дил сўзлари, илмий ҳаётга оид хабарлар ҳам журналнинг мазкур сонидан жой олган.

АЖДОДЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧ

Таниқли ўзбек адиби Муҳаммад Али ўзини нафақат шоир ва ёзувчи, балки фаол жамоат арбоби, устоз ва олим сифатида ҳам намоён этиб келмоқда. У 1992 — 2005 йиллар Вашингтон университетининг Ўрта Осиё тиллари ва маданияти ёзги дастурида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Унинг олим ва публицист сифатида эришган ютуқлари хорижий давлатларда ҳам тан олинган. Муҳаммад Алининг қаламига мансуб "Ўз-ўзингни англаб ет!" номли эссе инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШ ва Францияда босилиб чиқди. Унинг поэзияси ва насрий асарлари ўз юртида бир неча бор алоҳида эътирофга этилди. 1992 йили унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Қалб ва қиёфа

Муҳаммад Али ўн саккиз ёшида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан Москвага Адабиёт институтига ўқишга юборилди, чунки унинг шеърлари мазкур институтда ўтказилган шеърият танловида ғолиб чиққан эди. Москвада ўтказган йиллари унинг учун жуда муҳим давр бўлди. 1956 йили Сталин сиёсати қораланиб, шахсга сиғиниш танқид қилингач, кейинги ўн йилдан кўпроқ вақт адабиёт ва маданиятда ахлоқий, маънавий ва миллий ҳаракатлар бироз жонланди.

Ўша пайтлар собиқ иттифоқда ижод қилаётган йигирма-ўттиз ёшлардаги ёш шоир ва ёзувчилар авлоди "социалистик реализм" методига риоя қилмаган ҳолда қалам тебратишга интилар, "1960-йиллар авлоди", деб ном олган бу ижодкорлар ўз халқининг миллий тарихи ҳақида фахр билан шеърлар ёзишарди. "Шуларнинг ижодимга ижобий таъсири бўлган. Мен ҳам тарихимизга юз бура бошладим ва Машраб ҳақида достон ёздим", дейди Муҳаммад Али. Муаллиф достонни Москвада ёза бошлаган пайтда Ўзбекистонда бу мавзуга "норасмий табу қўйилганлигини" эслайди. Мазкур асар қўлёзмасини Москвада ўқиган таниқли адиб Шуҳрат (1918-1995) достонни Тошкентда Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтишида қўллаб-қувватлаган.

Муҳаммад Али нафақат тарихий шахслар ҳақидаги шеърлари, балки теша тегмаган тарихий мавзуларга журъатли ёндошувлари билан ҳам ўз ўқувчилари ва ҳамкасблари эътиборини қозонишни давом этди. Собиқ совет даврида улуғ саркарда Амир Темур ҳамда 1898 йилда рус колониячиларига қарши қўзғолон йўлбошчиси бўлган Дукчи Эшон номларини тилга олиш умуман мумкин эмас эди. Бундай тарихий шахсларни шеъриятнинг диққат марказига олиб чиқиш ижодкордан катта жасорат талаб этарди. Адиб бир интервьюсида эътироф этганидек, советларнинг колониал бошқаруви даврида ҳеч ким ўзининг орзу ва армонларини очиқ-ойдин ифода этолмас, ўй-фикрларини мисралар қатига, сўзлар ортига яширишга мажбур эди: "Ўқувчиларимиз ақлли, ўқиб, мағзини чақарлар, биз яширган фикрларни уқиб оларлар деган умид кўнглимизни ёритиб турган".

1960-йиллар авлоди бўлган ўзбек шоирлари, ёзувчилари мустақилликни интиқлик билан кутганлар. "Шу сабабдан, ўз асарларимизда кўнгилдаги пинҳон қутлуғ ниятларни акс эттиришга тиришардик", деб ёзади адиб кейинчалик бир мақоласида. Мустақилликнинг жарчилари бўлган ижод аҳли учун, жумладан, Муҳаммад Али учун ҳам 1991 йил 1 сентябр — Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган кун том маънода озодлик куни бўлди. Мустақиллик уларга янги вазифалар ва мажбуриятлар, шу билан бирга, янги имкониятлар берди. Чунончи, Муҳаммад Али бир неча йил мобайнида Сиэтлдаги Вашингтон университетида америкалик талабаларни ўқитиш имкониятига эга бўлди.

Сиэтл 1972 йилдан буён Тошкент билан бародарлашган шаҳар. Муҳаммад Алининг Сиэтлда бўлган йиллари самараси сифатида ёзилган ва бизнинг диққатимизни ўзига тортган "Мен кўрган Америка" номли ажойиб китоби 2000 йили Тошкентда нашр этилди. Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм "Америка таассуротлари", иккинчи қисм "Америка суҳбатлари" — 1994 — 1996 йилларда Вашингтон университетида ўқилган маърузалар тўпламидан иборат. "Америка илҳомлари", деб номланган учинчи қисмга ижодкорнинг Сиэтлда ёзган шеърлари, саҳна асарлари ва ҳикоялари жамланган.

Ильза ЛАУДЕ-СИРТАУТАС,
Сиэтлдаги (АҚШ)
Вашингтон университети профессори

Китоб биринчи саҳифасидан то охирги саҳифасига қадар Муҳаммад Алининг кузатувчанликка, тинглашга, тадқиқ қилиш ва ўрганишга бўлган ажойиб эътиқодидан гувоҳлик беради. У Америка Қўшма Штатларига келибоқ: "Туб америкаликларни қаерда учратсам бўлади, улар қаерда яшайдилар?", деб сўраган ягона ўзбек бўлса керак. Китобнинг биринчи қисмидан муаллифнинг Америка талабалари ёрдамида туб америкаликларни "кашф этган"ини билиб оламиз. У Вашингтон штатидаги резервейшнлар(туб-жой аҳоли яшайдиган маконлар)га ташриф бўюрди ва уларнинг санъаткорлари билан учрашиб, оғзаки адабиётини ўрганди. Туб америкаликлар ҳақидаги ҳикояларида Муҳаммад Алининг уларга ҳамдардлигини ҳис этасиз ва айни пайтда, унинг туб америкаликларнинг фожеали тарихи ўзбек халқига таниш эканини далиллаётганини англайсиз.

Бу китобда бир-бирларини ўрганмоқчи, билмоқчи бўлган америкалик ва ўзбекистонлик китобхонлар учун қимматли маълумотлар бор. Америкадаги ҳаёт ва урф-одатларни Ўзбекистон билан қиёсларкан, Муҳаммад Али: "Хўш, биз тараққий топган Америкадан нималарни олишимиз керак?", деган савол қўяди ва ҳеч иккиланмай шундай жавоб беради: "Олишимиз керак бўлса, фақат ўзимизда йўқ нарсаларни – замонавий техника, илмий тараққиёт ютуқлари, компьютерларни олишимиз зарур". Бу Ўзбекистонга керак ва фойдали бўлади, деб ҳисоблайди ёзувчи, аммо ҳеч нарса Ўзбекистоннинг қадимий маданияти, анъаналари ва ахлоқий нормаларига таъсир этмаслиги керак.

"Мен кўрган Америка" китобининг иккинчи қисмида мулоҳазаларга бой маърузалар берилган. Америкалик талабаларга "Ўзбек ёзувчилари ва зиёлилари Совет мустамлакаси даврида" мавзусида ўқилган ушбу маърузалар "Қафасдаги булбуллар" эссесига айлантирилиб, китобга киритилган.

Муҳаммад Али Сиэтлга келишидан икки йил аввал, 1990 йили унинг биринчи тарихий романи "Сарбадорлар" "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинади, сўнгра китоб ҳолида чоп этилади. Асарда тасвирланган самарқандлик сарбадорларнинг мақсади адолатли жамият қуриш ва унда ҳар бир жамият аъзосига тенг муносабатда бўлишларига эришиш эди. Аммо уларнинг ҳаракатлари зое кетади. Роман қаҳрамонлари тақдири фожеали якун топса-да, асарга сингдирилган муаллифнинг: "Аждодларимизнинг аччиқ ҳаётидан сабоқ ол!", деган даъвати муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Тарихий роман жанридаги илк тажрибасидаёқ Муҳаммад Алининг тажрибали ёзувчи сифатида бетакрор ўзига хосликни намоён этгани диққатга сазовордир. Муаллиф асар мавзусига доир тарихий манбаларни диққат билан ўрганади, нафақат муайян даврга боғлиқ бўлган, балки персонажлар ва жойларга доир ўзига хос жиҳатлар билан ҳам танишиб чиқади. Бундай изчил тарихий тадқиқотни унинг иккинчи тарихий романи — Амир Темур ҳақидаги "Улуғ салтанат" трилогиясида кўриш мумкин. Бу асар Муҳаммад Алининг тарихчи ва темуршунос олим сифатида эътироф этилишига хизмат қилди. 1967 йили Амир Темур ҳақидаги "Гумбаздаги нур" достонини ёзганидан буён Амир Темур сиймоси унинг ижодий изланишлари марказида турган дай назаримизда. Москвадан олимлар ва сураткашлар сифатида Самарқандга юборилган бир гуруҳ кишилар Амир Темур мақбарасига кириб, Амир Темур ва унинг ўғиллари, набиралари сағаналарини шафқатсизлик билан бузиб очишади. Амир Темур қабрини 1941 йил 21 июнда очишгандан бир кун ўтиб Германия билан собиқ иттифоқ ўртасида уруш бошланади. Бу урушнинг бошланиши ўзбек халқи наздида Амир Темурнинг сўнги оромгоҳига нисбатан ўтакетган ҳурматсизлик учун Оллоҳнинг жазосидек бўлиб туюлди.

Шу маънода ўзбек халқининг, олимлар ва ёзувчиларнинг мустақилликдан кейиноқ Амир Темур ва унинг авлодлари руҳлари олдидаги бурчларини адо этишга ошиққанликларига ажабланмаса ҳам бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясида (муаллиф Абдулла Орипов) шундай сатрлар бор: "Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр."

Чиндан ҳам, Ўзбекистонда бугун аждодлар мардона руҳи кезиб юрибди. Ҳамма боболар руҳлари олдида бурчли эканини ҳис қилиб яшайди, деб бемалол айта оламиз. Бу бурч ҳисси нафақат 1941 йил воқеалари билан боғлиқ. Маърифатпарвар адиб ва олим Абдурауф Фитрат ўз асарларидан бирида Амир Темур руҳига мурожаат қилиб, қўшалоқ туйғу — гуноҳкорлик ва ориятсизлик туйғусини ифода этганди. Муҳаммад Алига келсак, бизнингча, аждодлар олдидаги қарздорлик ҳисси адиб қалбида ёш авлодни буюк тарихдан бахраманд этиш — Амир Темур тарихини ўрганиш мажбурияти сифатида намоён бўлган. Буни яна бир тарихий воқеа ҳам тасдиқлайди назаримизда. 1996 йили Ўзбекистонда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланди ва 1996 йил — Амир Темур йили, деб эълон қилинди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Тошкентда "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Унда олим ва ёзувчилар қаторида Муҳаммад Али ҳам ўз маърузаси билан иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Алининг чуқур ижодий изланишлари, теран тадқиқотлари тарихий мавзуларда асар ёзмоқчи бўлган ўзбек шоир ва ёзувчиларига намуна бўла олади, деб ўйлаймиз. У ўзининг энг яхши кўрган "Кўп ишлаш, ўқиш керак", деган шиорига аввало, ўзи амал қилади. Ҳам назмда, ҳам насрда баракали ижод қилиб, ўзбек адабиёти ривожига муносиб улушини қўшиб келаётган адибга янада кўп ишлаш, ўқиш, демакки, дурдона асарлар билан ўз халқининг маданияти, маънавиятини бойитишда зафарлар ёр бўлсин, деймиз.

Инглизчадан
Бегойим ХОЛБЕКОВА
таржимаси.

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН
араб ёзувида бўлиши шартми?

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг "Танқидий матннинг илмий фазилати" номли салмоқли мақоласи("ЎзАС", 2012 йил, 1 июн) илмий қамрови ва куюнчаклик нуқтаи назаридан ғоят долзарб чиқиш бўлди. "Сапёр даладан минани тозалаганда хато қилиши мумкин бўлмаганидек, манбашунос ва матншунос ҳам мумтоз адабиётимизни ҳозирги ва келажак замонлар учун нашрга тайёрлаганларида пала-партишлик, чала-яримлик, беписандликка йўл бермасликлари талаб этилади. Аммо ҳамон турли нашрларда бундай тарздаги камчиликлар тез-тез учрайди", деб ёзади муаллиф.

Акс садо

Мақола Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат мин шамойимил футувват"("Мовароуннаҳр", 2011) асари илмий-танқидий матни савияси ва аҳамияти ҳақида. Муаллиф мазкур асар илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлаган шарқшунос олим Ҳамидхон Исломий хизматларига ҳақли равишда юқори баҳо беради.

Мақолада кўпгина масалалар: Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарининг мустақил асар экани; илмий-танқидий матн фақат араб ёзувида ёзилиши шартлиги; илмий матннинг бошқа ёзувлардаги нашрларда матний нуқсонларга барҳам берувчи манба экани ҳақида мулоҳазалар юритилган. Муаллиф илмий-танқидий матн сахиҳ нашр кафолати бўлади, деган фикрига қўйидагича асосларни ҳам келтирган: "Насойим ул-муҳаббат"нинг илмий-танқидий матни юзага чиққан экан, бу асаринг бўлажак нашрларида танқидий матнга суянган ҳолда барча хатоларни тузатиш ва Навоий даҳосига муносиб матн яратиш имкони туғилади... "Хамса"нинг 1960 йили қўлимизга теккан Порсо Шамсиев нашри танқидий матнларни ҳисобга олгани, Абдужамил котиб ва Султонали Машҳадий каби буюк хаттотларнинг нусхаларига таянгани учун ҳам ҳозиргача мўътабар манба сифатида ҳурматга сазовор".

Сирасини айтганда, газетхонар оммаси ва ҳозирги замон адабиёти мутахассислари учун бу мақола қизиқарли ва қониқарлидир. Мақола илмий-танқидий матн фазилати ҳақида экан, ундаги фикр-мулоҳазалар, аввало, мумтоз адабиёт мутахассисларига ва мумтоз адабиётдан матн(илмий матн) тузувчи олимларга мўлжалланмоғи лозим эди. Агар бу нуқтаи назардан қаралса, мақола фикр уйғотувчанлиги жиҳатидан мароқлидир. Муаллиф мақолада илмий-танқидий матнни таърифлар экан, йўл қўйилган уч-тўртта хатосини ҳам қайд этганида, мақола янада фойдали бўларди. Чунончи, мен илмий-танқидий матндан бир гапни кўчирдим: "Ҳар турфат ул-айнда ўз вужуди нафсин ва Маъбуди ҳақиқий исботин қилилғай" (203-бет).

Оддий мушоҳада шуни тақозо қиладики, аслиятда "нафсин" ўрнида "нафйин"(рад ва инкор), "қилилғай" ўрнида "қилғай" сўзи бўлмоғи керак. 199-бетдаги ушбу "Менинг фарзандимдур ва ҳозир ўлтурубтур ва ҳеч бирининг тасарруф илиги анга етмойдур" гапидаги "бирининг" сўзи ўрнида аслиятда "пирнинг" сўзи бор эди...

Демак, асарни нашрга тайёрлашда илмий-танқидий матнга нисбатан ҳам танқидий муносабатда бўлмоғимиз даркор экан.

И.Ғафуров илмий-танқидий матн тузиш саналарини қайд этишда бироз эҳтиётсизлик қилган. Чунончи, "Хамса"нинг 1960 йилги нашрини, илмий-танқидий матнлар асосида яратилгани учун, мўътабар манба, деб ўйлаган. Ҳолбуки, "Хайрат ул-аброр" достони илмий-танқидий матни "Хамса"(1960) нашридан ўн йилдан кейин дунё юзини кўрди — 1970 йили "Фан" нашриётида босилди.

"Хамса"нинг 1960 йилги нашри балки замонавий адабиётшунослар учун мўътабардир. "Хамса"нинг 1960 йилги нашри ҳам, илмий-танқидий матнлар асосида яратилган йигирма жилдликдаги "Хамса" достонлари ҳам юзлаб матн хатолари туфайли саҳиҳ матн талабларига жавоб беролмайди. Фикримиз исботини мисолларда кузатайлик. "Хайрат ул-аброр" илмий-танқидий матнидан (1970):

Солмоқ учун тоси сипехр ичра шайн,
Ою қуёшдин қилибон каъбатайн (5-бет).

"Хайрат ул-аброр", 7-жилдда (1991):
Солмоқ учун тоси сипехр ичра шайн,
Ою қуёшдин қилибон Каъбатайн (15-бет).

"Хамса"нинг 1960 йилги нашридаги байтда илмий-танқидий матндаги "тос" — "тоқ", "каъбатайн" — "қаъбатайн" ҳолида бузиб берилган.

Йигирма жилдликнинг еттинчи жилдида нард ўйинидаги икки суякча(каъбатайн)дан икки Каъба(Каъбатайн) "бунёд" этилган. Алишер Навоий "Тўла асарлар тўплами" 6-жилдидаги "Ҳайрат ул-аброр"дан:

Солмоқ учун тоқи сипехр ичра шайн,
Ою қуёшдин қилибон каъбатайн(10-бет).

Навоий куллиётининг ушбу байтида нард қутиси — "тос" "тоқ", деб берилган. Кўраяпмизки, йигирма томликда ҳам, ўн жилдли куллиётда ҳам нашрга тайёрловчи олимлар асарнинг илмий-танқидий матнидан фойдаланмаганлар ва "Хамса"нинг 1960 йилги серҳато нашридан қўчирганлар. Ҳар учала нашр илмий-танқидий матнга асосланмагани учун Навоий мисралари хато берилган.

Иккинчи муҳим мисолга мурожаат этайлик. Илмий-танқидий матнда:

Сидқ ила урғонда сало уммати,
Ойтти "Каззобуна ло уммати" (122-бет).

"Хамса"да (1960):
Сидқ ила урғонда сало уммати,
Ояти "Каззобуна ло уммати" (92-бет).

7-жилдда (1991):
Сидқ ила урғонда сало уммати,
Ояти "Каззобуна ло уммати" (208-бет).

Бунда ҳам нашрга тайёрловчи "ойтти" сўзини "ояти" деб ўқигани боис, ҳадиси шариф илмий матнга хилоф тарзда Қуръон ояти бўлиб кетган.

Ҳақли савол туғилади: Навоий куллиётларининг йигирма томлигида ҳам, янги ўн жилдлигида ҳам даҳо шоир ижодининг саҳиҳ аслиятини юзага чиқариш учун илмий-танқидий матндан фойдаланилмас экан, илмий матнни араб ёзувида амалга ошириш ким учун керак?! Яхшиси биз ҳам лотин ёки кирилл ёзувида илмий матн тузақолайлик-да. Бу таклифимнинг киноялиги рост. Бироқ бу айни ҳақиқат-ку!

Мана шу жилдликдан яна икки мисолни илмий-танқидий матнга қиёслайлик.

Қолмади чун ўзга манга чопае,
Қалъа ясардек торибон хопае.
(Алишер Навоий, "Тўла асарлар тўплами", 6-жилд, 55-бет.)

Энди илмий-танқидий матндан ўқийлик:
Қолмади чун ўзга манга чорае,
Қалъа ясардек топибон хопае.
("Ҳайрат ул-аброр", 1970, 37-бет.)

Илмий-танқидий матндан яна бир мисол:
Ҳусн доғи жилва қилиб дилписанд,
Зулфға топшурди балодин каманд
(112-бет).

Янги куллиётнинг VI жилдидан ушбу байтни келтирамиз:
Ҳусн доғи жилва қилиб дилрисанд,
Зулфға торшурди балодин каманд
(165-бет) .

Бу байт илмий-танқидий матнга мосми? Шу Навоий байтими?

Гап Навоий аслияти саҳиҳлиги устида борар экан, бош масала ҳарф эмас(у восита), тўғри ўқиш ва саҳиҳ кўчиришдир. Чунки тажрибада илмий матндан яроқли нашр тайёрланмаяпти-да. Нега мен илмий-танқидий матн араб ёзувида бўлиши шарт эмас, деяпман. Чунки минг нусхали араб ёзувидаги матнни, борингки, ўнта олим ўқир, кирилл ёки лотинда тайёрланса, минглаб олим ва оддий китобхон ўқийди. Балки менинг бу фикрларим илмий урфга қаршидир. Аммо мен буни 90 йиллик нашр тажрибамиздан келиб чиқиб айтаяпман. Агар И.Ғафуров "Насойим ул-муҳаббат" илмий-танқидий матнини Алишер Навоий "Тўла асарлар тўплами"нинг ўнинчи жилдидаги матн билан қиёслаб мисоллар келтирганида эди, чамаси, мақола янада таъсирчан бўлур эди.

Хуллас, нашрлардаги матн тафовутлари илмий-танқидий матн билан ишламаслик оқибати эканлигини матншунослар яхши биладилар, албатта. Шунинг учун ҳам асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш — яхши. Илмий-танқидий матндан саҳиҳ матн тайёрланса, бундан-да яхшидир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Бадиий асар моҳияти ва ижодкор феноменини англашда муаллифнинг ижодий принциплари, сўзга муносабати, ахлоқий мезонлари, санъатга ёндашуви, бир сўз билан айтганда, адабий-эстетик қарашларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар овози

«ЎзАС» бисотидан.

АЙТАР СЎЗИГА МАСЪУЛ АДИБ

Чинакам ўзбекона феъл-атворни – ютуғи ҳам, нуқсони ҳам ўзимизга тегишли бўлган ҳаёт тарзимизни асарларида маҳорат билан тасвирлаган адиб Шукур Холмирзаев умр бўйи ижод дарди билан яшади. Бинобарин, адибнинг адабиёт ва унга муносабат бобидаги, ижодкор шахсияти, масъулияти каби масалалардаги қарашларидан бадиий ижод сирини билишда очқич сифатида фойдаланиш мумкин.

Шукур Холмирзаев роман, қисса, ҳикоя, драма сингари жанрларда кўплаб асарлар яратиш билан бирга ижод психологияси, ижодкор шахсияти, адабиёт ва жамият муносабати масалаларига бағишлаб ўнлаб адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзди. Ёзувчини яқиндан биладиган кишиларнинг шоҳидлик беришларича, адиб ҳаёти мобайнида изланишдан асло тўхтамади.

Бадиий асар тили Шукур Холмирзаев учун ғоятда муҳим, "принципиал масала" эди. Ўз асарларида тил меъёрларига қатъий риоя этган ёзувчи бошқаларнинг ҳам тилга эътибор беришини истар, унинг бузилишига олиб бориши мумкин бўлган барча "ўзига хосликлар"ни инкор этарди. Жумладан, "кўпроқ хаёлга, хаёлнинг ҳам пинҳоний ўйинларига қурилган ва дафъатан кишига беўҳшов бўлиб туюлса-да", пировардида китобхонни ишонтирадиган усулда ижод қилаётган ёзувчилар Ш.Ҳамро, С.Вафо, Н.Эшонқул, Қ.Норқобил ва бошқаларнинг асарлари ҳақидаги мулоҳазаларида Шукур Холмирзаев шундай таъкидлайди: "Руҳ йўлидаги адибларимизда ТИЛ чатоқ. Тўғри, улардаги мазмуннинг ўзи мураккаб ва алоҳида тасвир воситаларини, янгича жумла қурилишларини, мавҳумиятни бордек кўрсатмоқ учун шунга мувофиқ тил лозим. Аммо барибир... улар ТИЛ йўриғида оқсашлари устига, жиддий ишламаётирлар ҳам. Ишонмасангиз – ихтиёр ўзингизда, у модерний муаллифлар кўпинча тиниш белгиларини ҳам ўрнида ишлатмайдилар...". Ҳолбуки, "Биз битта адабий тилни қабул қилганмиз. Ҳақиқий адабий тилимиз Чўлпоннинг тили. Мен ёзганимда ҳамма вақт автор тилидан, адабий тилда ёзишга ҳаракат қиламан. Аммо қаҳрамонларим ўз-ўзича. Шунинг учун адабий тилга ҳар нарсани тиқиштириб, талаффузини бузиб юришни ёқтирмайман", дейди ёзувчи. Унинг назарида, бадиий асарларга шевага оид сўзларни ўринсиз қўшавериш адабий тил софлигига путур етказади, унинг нуфузини пасайтиради. Аммо бу тилнинг софлигини сақлаш ҳақидаги қоидаларни мутлақо догмага айлантириш деган эмас, зотан, тил тинимсиз ҳаракатдаги жараёндир. Шу маънода ҳар бир тилнинг луғат қатлами муттасил бойиб боради. Муҳими, бу бойишнинг ўринли сўзлар ҳисобига амалга ошишида. Яъни бадиий асарда муайян ҳолатни ёрқин акс эттирадиган, характер моҳиятини очишга хизмат қиладиган шевага оид сўздан фойдаланиш ижобий ҳодисадир: "Агарда маҳаллий шароитда ўзбек тилини бойитиш имкониятига эга бўлган "шева элементлари" бўлса, уни иккиланмасдан олиб кираверишк керак".

Шукур Холмирзаев ижодга муносабат борасида ҳам ўзига хос йўлни тутди. Унинг талқинича, ижодкорлик – қисмат, яъни ҳаёт кечириш воситаси эмас, аксинча, яшашнинг шакли. "Ёзувчи ким?" деган саволга жавобан адиб шундай ёзади: "Рубъи маскундаги минг турфа қилиқли, минг бир ташвишли, минг-минг қиёфали одамлар орасида яна бир қурум бандаи мўминлар борки, уларнинг ҳар бири ҳам ўзича айри шахслар бўлсаларда, муштарак бир жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшайдилар ва умумлаштириб айтганда, битта вазифани бажарадилар; «бажаради» дейиш иддаога, баҳога, ҳатто буйруққа менгзаб кетади, йўқ: улар шу вазифани адо этишга маҳкумлар, уларнинг қалби-шуури шуни ҳаргиз талаб этади ва бу вазифани адо этиш – нафас олишдек бир ҳолдирки, улар бу йўлдан бир сантим орқага қайтолмайдилар". Бошқа бир суҳбатида у ёзувчиликни булбулнинг сайрашига ўхшатади: "Булбул нега сайрайди? «Биз учун!» деб ўргатишган бизга. Ҳолбуки, у ўзи учун – яъни, сайраши кераклиги учун сайрайди: илло, сайрамаса – ўлади. Ёзувчилик ҳам – шу!".

Маълумки, бир қатор қисса, роман, драма ва ўндан ортиқ эссе ёзганига қарамай, Шукур Холмирзаев, асосан, ҳикоянавис сифатида танилди, эътибор қозонди. Ўзининг иқрор бўлишича, адиб дунё ҳикоячилигини чуқур ўрганган. У жаҳон ҳикоянавислари орасида тўртта ёзувчини "классик" деб эътироф этади: "рус адабиётида Чехов, инглиз адабиётида Жек Лондон, ҳинд адабиётида Тагор ва ўзимизнинг адабиётда Абдулла Қаҳҳор". Бу адиблар ижодидаги ўзига хос жиҳатлар Шукур Холмирзаевни ром этган эди. Жумладан, Антон Чехов ҳикояларидаги "феълу атворли тирик одам қандай акс этиши", "образнинг такомили", Жек Лондон асарларидаги муаллифнинг лозим топган ўринларда ўз қаҳрамонига муносабатини очиқ-ойдин ифодалаши, Тагор ҳикояларидаги "умуминсонлар учун ҳам керакли бир маъно" ёзувчини мутаассир этган.

Фақат бадиий ижод доирасида қолиб кетмасдан, адабиётшуносликка доир тадқиқотларни ҳам танқидий кўз билан ўрганган Шукур Холмирзаевнинг бу борадаги кўзқарашлари ҳам ўзига хосдир. У ўрни келганда адабиётшунослик, танқидчи ва олимлар, уларнинг адабиётдаги мақоми хусусида ҳам тўхталиб ўтади. Шунингдек, ёзувчи нисбатан турғун ҳисобланадиган адабий жанрлар масаласига ҳам нисбий ўлчов сифатида қарайди (Тўғри, у "ўз билгани"ни мезон қилиб, бадиий асарларга қўйилажак талабларни суиистеъмол этмайди. Аксинча, адиб фикрича, қўлига қалам тутган киши ижод ҳақидаги илмий асослардан хабардор бўлиши шарт. "Шофёр одам машинанинг машинадан фарқини, чавандоз йигит отнинг отдан фарқини билганидек, адиб дегани ҳам адабиёт илмидан баҳоли қудрат хабардор бўлиши керак. Бу – аксиома", деб таъкидлайди у суҳбатларидан бирида). Масалан, адиб Усмон Азим ҳикояларига ёзган сўзбошисида санъат асарларига қўйилажак талабларга қуйидагиларни киритади: мукаммаллик, тугаллик, руҳ бирлиги ва характер. Худди шу ўринда Шукур Холмирзаев яна таъкидлайди: "Мен бу йўриқдаям ўз қаноатларимга суянаман!". Айни фикрларни ёзувчининг ўз асарлари жанрини белгилашдаги ёндашуви ҳам тасдиқлайди. У "Олабўжи" асарини "романдан катта ҳикоя" деб атайди: "Шу асарнинг ("Олабўжи"нинг – **О.С.**) жанрини романдан катта ҳикоя деб белгиладим. Бу нарсани ўзимни ўзим алдаш учун қилдим. Роман десам, воқеалар тармоқланиб, сочилиб кетадигандек туюлди. Агар ҳикоя десам, демак, мен ўзимни тия биларканман".

Шукур Холмирзаевнинг ахлоқий-эстетик қарашларида Шахс ва Ижодкор тушунчалари бир хил мазмунни англатади – бу икки ном ортида битта Инсон туради. "Ижод кишиси ўзини сақлаши лозим бўлган иллатларнинг энг ёмони қайси?" деган саволга адиб "Ёлғон!" дея жавоб беради ва буни шундай изоҳлайди: "Умуминсониятда ҳам, исломиятда ҳам бир сўз бор: ёлғон гапирма. Исломиятда ёлғончи худонинг душмани ҳисобланади. Умумбашариятда ёлғончилик аксилинсончилик билан тенг туради... Шоирларимиз бор — Ватан ҳақида ёзади. Хонандаларимиз бор – Ватан ҳақида куйлайди, бастакорларимиз бор — Ватан ҳақидаги қўшиқларга куй басталайди... Бу керак, зарур, бироқ биз мавзуни суиистеъмол қилмаслигимиз керак. Бу қутлуғ мавзуга сўзимиз, куйқўшиғимиз муносиб бўлсин. Айтар сўзимизга масъул бўлайлик".

Адабиётнинг юксалишини "миллатнинг ўсувига гаров ва миллат камолини кўрсатувчи ойина", деб ҳисоблаган Шукур Холмирзаевнинг адабий-танқидий фаолияти унинг ҳам Ижодкор, ҳам Шахс сифатидаги қирраларини намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Отабек САФАРОВ,
ЎзМУ тадқиқотчиси

УСТОЗ ТАРАТТГАЙДИР ДИЛЛАРГА ЗИЁ

Малика ЖУМАМУРОТОВА

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Эпақасиз қўллар қаламни ушлар,
Нуқта, чизиқ, доиралар айланиб.
Полапон ҳарфлар, энг ҳуркак қушлар
Ўрганишар уяларга жойланиб.

"Она", "Ватан" сўзларин бирикмаси
Митти юракларга экилган ниҳол.
Улғайтади сабоқлар қўникмаси,
"Зийрак бўлгин, болаликдан билим ол!"

Оқ қоғоздек беғубор онг-хаёлга
Муҳрланар эзгу ният, эзгу онт.
Оқ йўл берган ундаб катта ҳаётга
Устоз меҳри унутилмас умрбод.

Ҳар аллома, ҳар донишманд инсонга
Қанот бўлган муаллимнинг меҳнати.
Дафтар текширган тун улашса тонгга,
Қувват бергай келажакнинг роҳати.

Қуёш каби айни саҳар чоғинда
Устоз тараттайдир оламга зиё.
Биринчи муаллим билим боғинда
Барпо эттан гулшан эрур бу дунё.

КУМУШ СОЗ

Олис хаёллларим чертар чилторлар,
Мурғак туйғуларим маёқдек порлар.
Умримнинг дарёси кетди узоқлаб,
Болалик — денгизим бўйлари чорлар.

Болалик хотирам — энг қадрдоним,
Гул тутиб мактабга отланган оним.
Кумуш қўнғироқни зўрға кўтариб,
Занг чалиб, интилган билим бўстоним.

Устоз тарбиялаб навниҳол ёшдан,
Бизга таълим берган энг аввал бошдан.
Уқтирган: — Бахт йўлин очади билим,
Билимнинг зиёси кучли қуёшдан.

Гоҳида уйларим чалкашса бироз,
Элас-элас етиб келар шул овоз...
Жонланар "Алифбе" ҳуснихатлари,
Фақат олға дея янграр кумуш соз!

Қорақалпоқчадан Рустам МУСУРМОН таржимаси

Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ

ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ

1

Дунё кезар она диёр оҳанглари,
Юртни безар она диёр оҳанглари.
Боботоғнинг баҳоридай камалакранг —
Минг қатим зар она диёр оҳанглари.

Аждодларнинг асрий карвон теваси у,
Яссавийнинг, Навоийнинг шеваси у.
Бу оҳанглар улуғ руҳлар минтақаси —
Илоҳият иқлимларин меваси у.

Ёрқин бўлган бу куй Зардўшт чўғларига,
Ҳамдам бўлган бу куй Темур туғларига.
У бағрида Истиқлолни ардоқлаган,
У эгизак озод ўзбек руҳларига.

Она диёр оҳангларинг қутлуғ бўлсин,
Руҳий олам-жаҳонларинг қутлуғ бўлсин.
То бетакрор ҳар куй сенинг бир бўлагинг,
Ватан, оҳанг — ватанларинг қутлуғ бўлсин.

2.

Сурхоним ҳам тўлиб-тошиб қўшиқ айтди,
Ҳаёт ишқин қўшиғига қўшиб айтди.
Қизлар куйга кокилларин эшиб айтди,
Бўз ўғлонлар бахши бўлиб жўшиб айтди.

Ахир бунда яшар куйга ошуфта эл,
Дуч келганда ё куйлашар, ё олар бел.
Тоғларидан тушган тошқин сувларидай
Ҳар қишлоғи сой-сой оққан санъати сел.

Эзгу урфлар зўрлигига шак йўқ бунда,
Ўктам руҳлар ҳурлигига шак йўқ бунда.
Аждод-авлод, устоз-шогирд ворислиги —
Анъаналар бирлигига шак йўқ бунда.

Дўстлар, бўлсин шу Ватаннинг куйи мангу,
Озод элнинг озод байрам, тўйи мангу.
Она диёр оҳанглари олам кезсин,
Ўзбекона ўктам ранги рўйи мангу.

Термиз.

Насиба КАМОЛОВА

ОНА ВА БОЛА

Она дарахт бўлса, япроғи — фарзанд,
Онанинг жонига боласи пайванд.
Дунё меҳварида бу икки дилбанд
Бу улкан оламни гул қила олур.

Оналар саломат, фарзанд ҳам омон,
Боболардан қолган бу қадимий шон,
Меҳр кўзи ёруғ жон Ўзбекистон —
Адолат нуридан йўл қила олур.

Ўзбек онасида риёлар бўлмас,
Фарзанди камоли унга зўр ҳавас.
Қалбларни тўлдирса алла айттан сас,
Тиконзор саҳрони гул қила олур.

Эй она, бахтинг шу — йўқдир армонинг,
Болангнинг бошида ёруғ осмонинг,
Буюк келажакка элтар карвонинг
Бу улкан оламни гул қила олур.

Она дарахт бўлса, япроғи — фарзанд...

ВАТАН

Онам кўзларида бир нур бор эди,
У нур юрак бўлиб кўчди жисмимга.
Яратган ризқини тугал берсин деб,
Онам меҳрин қўшди ҳатто исмимга.

Кўз очиб дунёга келган кунимдан
Онам кулгусидан ёришди таним.
Йиллар тўзонида учганим сайин
Мени қучаверди азиз Ватаним.

Йиқилсам, қонаган пешонам силаб,
Меҳр қўллари-ла қолдирмади из.
Ҳар тош, ҳар гиёҳи дилимга яқин —
Бу тупроқ меҳрибон онамдай азиз.

Дард айтсам, дарахти дўстдай титради,
Тикани гул бўлиб қулди дафъатан.
Мен билдим, онамнинг кўзидаги нур —
Менинг жон ичимда уйғонган Ватан.

Энди мен қаро кўз болаларимга
Меҳр жавҳарига қўшиб бериб жон,
Кўзимда қалқиган нур билан дейман:
Болам, сеникидир, ҳур Ўзбекистон.

Тошкент шаҳри.

Мирза ҚАЙНАРОВ

МЕҲР БЎЛАКЧА

Гулни булбулга, кўнгулни дилга пайванд айлангиз,
Дилни обод, халқни маъмур, элни хурсанд айлангиз.

Чеҳраси очиқ кишини хуш кўрар ҳар жойда эл,
Дўстга ҳам, душманга ҳам доим шакарханд айлангиз.

Ота-она ҳамда устоз энг улуғ зотлар бешак,
Сиз улуғ зотларни ҳардам арҳуманд айлангиз.

Хуш хулқ, фаҳму фаросат — одамизот зийнати,
Даврада агар бўш жой бўлса ани банд айлангиз.

Ким фаровон юртимизга кўз тикар аҳли жаҳон,
Тегмасин деб элга кўз кўнгулни испанд айлангиз.

Одамийлик шаънига чун доғ эрур кибру ҳаво,
Нафсу кибр туғини парканд-парканд айлангиз.

Ҳар йигитга шарт эрур илму амал, касбу ҳунар,
Эй сиз ўғлон, ўзни илм, ҳунар ила банд айлангиз.

Аҳли ошиқлар қўпайсин ишқ йўлинда, Мирза дер,
Ишқ йўлини аҳли ушшоқ бирла тирбанд айлангиз.

Сирдарё.

Шеър ўқисам, сел бўлмасанг кечирмагил,
Сабоғимдан эзгуликка зл бўлмасанг, кечирмагил,
Айтар сўзим йўлларингга нурдек сингиб,
Босган изинг гул бўлмаса, кечирмагил.

Навоийнинг оҳларидан найланмасам,
Мирзо Бобур фироғидан сойланмасам,
Шоҳ Машрабнинг фарёдига айланмасам,
Эшитмагин, мени сира эшитмагин.

Чўлпон қайда, Усмон қайда, иймон қайда?
Сенинг қўлинг етмас жойда — юлдуз, ойда!
Шул чақмоқни юрагингда чақолмасам,
Мени ҳайда ҳузурингдан, мени ҳайда!...

Кумушбиби — Орзубиби, Армонбиби
Тушларингга бир дам кириб, дам чиқмаса,
Ул сумбулсоч, қўҳлик Зайнаб, шўрлик Зайнаб,
Кўксингдаги кин тоғларни гар йиқмаса,
Суянмагин, менга сира суянмагин.

Кумуш ўлди! Қодирийнинг ўзи йиғлар:
Қани бир куч, қаламини шартта отса!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИ

Сен кечирма, гапирсаму, хўнграмасам,
Туйғуларинг кўзларини мудроқ босса,
Ишонмагин, менга сира ишонмагин!...

Илгимдаги қоғозлардан тониб кетай,
Хатоларим уволига қониб кетай,
Ҳалолликнинг ўтларида ёниб кетай,
Мени ҳайда ҳузурингдан, мени ҳайда!...

Шеър ўқисам сел бўлмасанг,
Кечирмагил...

ЛАЗЗАТЛИ ҚУШИҚ

Тонг...
Атроф уйғонар оҳиста...
Шу осуда борлиқ, хотиржам осмон
Бувамнинг кафтидек бошимда паноҳ.
Хотиржам ястанган шу сокин замин
Момомнинг бағридек беҳадик, бехавф...

Кундуз...
Бир интиқ ҳис билан оқа бошлайман,
Даврим шиддатига қўшилиб.
Юрагим гурсиллар, юрагим урар,
Қадам товушидек отмнинг...

Шом...
Йўлларни чангитиб пода қайтади,
Димоқни қитиқлар пиёздоғ ҳиди...

Бу оқшом шу қадар майин чўкади,
Онамнинг нигоҳи сингари майин...

Оқшом...
Бундай елкаларга суянмоқ мумкин бемалол,
Жуфти ҳалолимнинг лутфлари сўнгсиз...
Қўлим кафтларида, кўзларида кўзим,
Бу бахтнинг сувратин чиза олгай ким.?

Шамшоддай қаддингдан айланай, ўғлим,
Қизим, кўзингдаги бахтга чўкайин!...
Кўксида асраган болаларимни,
Ватан, тупроғингни ҳар тун ўпайин...

Саҳар...
Уйғонаман,
гудок чинқириғи
ва ё соат зангиданмас,
Масъум набирамнинг жонбахш йиғисидан!...

Ассалом, янги кун!

Янгибозор.

Момохол ЭЛМУРОДОВА

ҚАЛБ МУЛКИ

Кўнгил мулкин бойликлари кўп,
На ўлчов бор, на чек-чегара.
Хазинангни турар тўлдириб,
Туйғу деган ёмбилар сара.

Бу мулк Қорун давлатидан кўп,
Шоҳ Сулаймон сийму заридан.
Қолсанг ҳам гар кўнгилга қул бўп,
Бадавлатсан, бойсан баридан.

Ер-сув, осмон — борлиқ сеники,
Энг бебаҳо гавҳаринг — Ватан.
Қалб қатингдан жой олган неки,
Сеникидир, фақат сенга тан.

Асрагайсан бало-қазодан,
Ҳижоб аро — жон ичинда жон.
Ёмон кўздан, ҳарис назардан
Йироқ тутиб, авайлаб пинҳон.

Қалб кишваринг безаб туради
Севги — нурли, иболи зийнат.
Яна тенгсиз, нодир туйғу бу —
Оналикдай буюк муҳаббат.

Мулкинг ўтмиш, тарих — мозий, ҳам
Қадр деган обидалар бор.
Фахр, ғурур ҳислари мудом,
Кўнглинг ичра жаранглаган тор.

Боқий шахслар, нурли сиймолар
Хазинангнинг жавҳарларидир.
Ва улардан ўрганганларинг
Етти иқлим божига арзир.

Хаёлотинг юлдузлар қадар,
Гар тафаккур — сирдош йўлдошинг.
Икки дунёнг ёритиб турар,
Иймон деган сўнмас қуёшинг.

Ҳеч ким сендан ололмас тортиб,
Лашкар тортиб келсалар ҳамки.
Сарф этсангда боради ортиб
Ноёб бойлик — бу кўнгил мулки.

Қамаши.

Ғулом ШОМУРОДОВ

АЁЛ

Қошларинг камондир, кипригинг — пайкон,
Кўзларинг ёндирар, боқсанг ногаҳон,
Рухсоринг чиройли — ойдай нурафшон,
Билолмам, яхшинг не ва ниманг ёмон.

Сўйласанг, лабингдан тўкилар шакар,
Жонга жон уланар сен кулсанг магар,
Қаҳринг тошганида чекинар аждар,
Билолмам, яхшинг не ва ниманг ёмон.

Сочларинг силкинса, пайдодир тўлқин,
Сочади бошингда зар дўппинг ёлқин.
Гоҳида инжиқсан, гоҳ қобил-мўмин,
Билолмам, яхшинг не ва ниманг ёмон.

Сен — опа, сен сингил, мушфиқ онасан,
Қизингга, ўғлингга куйиб ёнасан,
Жуфтингга меҳринг зўр, нега тонасан?
Билолмам, яхшинг не ва ниманг ёмон.

О, номинг улуғдир аслида, аёл,
Сен — орзу, сен — ишонч, сен — ширин висол.
Қаҳринг ҳам, меҳринг ҳам эркак учун бол.
Борлигинг яхшидир, йўқлигинг ёмон —
Шу ҳолда яшайвер, яша соғ-омон!

Бухоро.

Ойдин ТЕМИРОВА

СУРАТ

Нега гапирмайсан, қулмайсан, сурат?
Қалбимни наштардай ўртар кўзларинг.
Менинг-ку дилимда айтарим қат-қат,
Йўқми сенинг менга айтар сўзларинг?

Қандай қулар эдинг, соғиндим, ахир,
Баҳордай шод эдинг, олов, чўғ эдинг.
У тийрак қарашлар ҳозир қайдадир,
Менинг тақдиримда, наҳот, йўқ эдинг.

Ўшанда эгнингда ҳаворанг қўйлак,
Қўлимга қип-қизил атиргул тутдинг,
Кўзимга термулиб дединг: "Бу сизга!"
Шодликдан дунёни унутдим.

Билсайдинг, сен тутган ўша атиргул,
Мен билан қовжираб яшайди бу он.
Сендан шу омонат қолган ҳартугул,
Ва яна сурат ҳам қолган безабон.

Боқсам, юракларим жиғиллар ҳамон,
Шукурким, қайдадир борсан, омонсан.
Боқсам, юракларим ўртайди ёмон,
Ахир, суратда ҳам қуйдиргижонсан.

Яна сени эслаб куйдим, азизим,
Лоақал, суратда кўз тушар кўзга.
Билмайсан, Худонинг ерда мен учун
Мўъжизаси йўқдир ўзингдан ўзга?

Фарғона.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

СОҒИНЧ БАХТИ

Келдингиз. Бу олам чарақлаб кетди,
Умид чечаклари очилди қийғос.
Дийдорингиздан бош қўкларга етди,
Топмоқ мушкул энди қувончга қиёс.

Қутлуғ ташрифингиз бахтдан нишона,
Табассум жилваси чеҳрангизга зеб.
Инжу-нурларини сочмиш жаҳона
Қуёш ҳам ушбу кун сизни келар деб.

Мени чулғаб олди бу кун ногаҳон,
Мунаввар туйғулар, гавҳар туйғулар.
Энг гўзал умидлар қалбимга меҳмон,
Энди бегонадир ташвиш, қайғулар.

Бу дўстлик барг ёзсин умид фаслида,
Бу дўстлик бузмасин гўзал аҳдини.
Сиз менга ишониб қилдингиз ҳадя
Соғиниб яшамоқ, севмоқ бахтини!

* * *

Ой каби тўлишиб, кулиб келасиз,
Соғиниб турганим билиб келасиз.
Гарчи ғурурингиз, қадрингиз баланд,
Бизни ҳам назарга илиб келасиз.

Қадамингиз нурга белаб келасиз,
Доим яхшиликлар тилаб келасиз.
Менинг инжиқ ва ғаш кўнглим кўтариб,
Меҳримга меҳрингиз улаб келасиз.

Лўппи яноқларда тароват жамдир,
Ғанимлар учун бу ҳасратдир, ғамдир.
Сиздайин дўстини инсон қанчалик
Асраб, ардоқласа, шунчалик камдир.

Хонқа.

Николай ИЛЬИН

КУЗ ЯПРОҚЛАРИ

Сап-сариқ япроқлар ҳар хил, турфа хил,
Бироқ ҳар бирида умрим тарихи —
Кечган ҳаётимнинг мазмуни бир хил.

* * *

Баҳорники эрур қўм-қўк япроқлар,
Олтинранг япроқлар эса кузники,
Ҳеч қачон меники бўлмайди улар.

* * *

Хаёл варақлари очар япроқлар:
Умрнинг ўқилган саҳифалари —
Боқийлик китобин мундарижаси.

* * *

Вақт кузни томоша қилади, холос:
Кунлар билан ўлчар кузнинг ҳаётин:
Умрин тугатади япроқлар билан.

* * *

Ҳар япроқ, ҳар баргга исм қўяр куз,
Уларнинг номини айтиб чақирма:
Товушингни чиқарсанг — тўкилиб тушар.

* * *

Ерга тушганида узилган япроқ
Унинг руҳи учиб кетар қаёққа? —
Йўқликкамми ёки кўкламга?

* * *

Силаб қўй япроқнинг ажинларини,
Юзлари буришиб қолганин англа —
Сени ким тушунар ундан яхшироқ?

* * *

Ўйла, қадрига ет куз ҳикматининг:
Осмондан тупроққа тушаётган япроқ —
Боқийлик эшигин калити эрур.

* * *

Бирдан ўлмас экан узилган япроқ:
Вақт берилар экан унга ўйлашга
Яшашнинг мазмуни ҳақида.

* * *

Қандай яшамоқни ўрган япроқдан:
Бир йил умр кўрар дунёда япроқ,
Беш кун яшолмайди одамлар эплаб.

Тошкент.

Учрашув

Самиддин ЛУТФУЛЛАЕВ: АКТЁР ЖОНЛИ МУЛОҚОТДА ТОБЛАНАДИ

Самиддин Лутфуллаев Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган. 2007 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтини тугатган. Ҳозирда Ўзбек давлат драма театрининг етакчи актёрларидан. У театр саҳнасида яратган қатор образлари билан томошабинлар эътиборини қозонди. Бу образларнинг ўзига хос ҳиссиётлар кўлами, кишини ўйга толдирадиган ички олами мухлисларни мафтун этиш билан бирга чуқур мушоҳадага ҳам ундайди. Яқинда таниқли ёзувчи Эркин Аъзамов сценарийси асосида кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олган «Паризод» филмида Самиддин ижро этган Жонибек образи мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Актёр билан суҳбатимиз унинг санъатга кириб килиши ҳақида анъанавий савол билан бошланди.

— Нима учундир болалигимдан кўпчилик эътиборига тушишни ёқтирардим, — дейди Самиддин. — Бирор нарса ўргансам ёки ёд олсам оила аъзоларим, меҳмонлар, қўниқўшнилар олдида ўзимдан нималарнидир кўшиб кўрсатишга интилардим. Таниқли санъаткорларга, машҳур актёрларга тақлид қилишнинг кифтини келтириб қўярдим. Озгина мақтовдан бошим кўкка етарди. Мактабда ўтадиган тадбирларнинг фаол қатнашчиси эдим. Шулардан келиб чиқиб айтаманки, санъатга иштиёқ қонимда бўлса керак. Шу иштиёқ бора-бора аниқ мақсадга айланди.

— Демак, актёрлик касбини танлаганингиздан мамнунсиз? Ижодий ютуқларингиз ўзингизни қониқтирадими?

— Ҳар safar саҳнага чиқиб томошабин билан юзма-юз бўларканман уларга янги, оҳори тўкилмаган фикрлар бериш, не-не оғриқлар, изтироблар асосида кучли дард билан туғилган туйғуларим, ҳиссиётларимни намойиш этиш менга хузур бағишлайди. Томошабин билан юзма-юз мулоқотда эканимдан вужудим яйрайди. Спектакл тугаганда танамда қандайдир тотли чарчоқни ҳис этишдан маза қиламан.

Таниқли санъаткорлардан бири "Актёр саҳнада алангаи оташ бўлиб ёниши керак, акс ҳолда томошабин уни ижодкор сифатида тан олмайди", деган экан. Бу гапларни доимо ёдда тутиб ижод қиламан. Ҳар safar саҳнада рол ижро этганимда фақат қаҳрамоним ҳаёти, руҳияти билан яшашга ҳаракат қиламан. Айни кунда озмикўпми ўз мухлисларим борлигидан қониқиш ҳосил қиламан. Ҳозир Пушкиннинг "Евгений Онегин" романи асосида қўйилаётган спектаклда Онегин образини яратиш устида изланяпман. Бу асар ўзбек саҳнасида илк бор ўйналаётганини назарда тутсак меҳнатталаб, машаққатли ижод олдимизда турганлиги аён бўлади. Онегин образи ўзига хос мураккабликлари, шахсий зиддиятлари, ҳаётга, жамиятга, севгига муносабатдаги фавқулодда кескин, шу билан бирга, тушуниш, идрок этиш мушкул бўлган ҳолатларга бойлиги билан мени ўзига жалб этади.

Суратда: «Паризод» филмидан лавҳа.

— Ижодингизни кузатиб шуни сездимки, профессионал актёр ҳар бир образи орқали кўнгилга йўл излайди. Бироқ ижодий фаолияти давомида кимларгадир қараб қад ростлашдан ўзини тиёлмайди...

— Саволингизни тушундим. Албатта, менинг ҳам ўз севган актёрларим бор. Марҳум санъаткорлар Ҳожиакбар Нурматов билан Римма Аҳмедова ижодидан маълум маънода бебаҳра қолганимдан афсусланаман. Ҳалигача бу икки актёр иштирок этган бирор нима кўрсатилгудек бўлса, бутун вужудим нигоҳга айланади. Бир театрда елкама-елка хизмат қилаётган Афзал Рафиқов ва Элёр Носиров ижоди, уларнинг актёрлик салоҳияти, заковати ҳам мени буткул мафтун этган. Жаҳон миқёсида Аль Пачино ва Мел Гибсоннинг ҳар бир ролини кузатиб бораман. Яширишнинг ҳожати йўқ, қайсидир маънода ана шу актёрларга ўхшагим келади. Аль Пачино икки ярим соат давом этадиган моноспектаклда на саҳна безаклари, на реквизитсиз, қуруқ саҳнада ёлғиз ўзи томошабин нигоҳини, диққатини занжирбанд қилиб туриши ҳақида ўқиб, ҳайратга тушганман.

— Сир эмас, ҳозир экранда, баъзан саҳналарда ҳам ҳаваскор актёрлар тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Бизда профессионал ижроси билан унча-бунча чет эллик машҳурларни йўлда қолдирадиган актёрлар оз эмас. Бироқ, очиғини айтганда, маҳорат бобида имкониятлари очиб юборадиган юксак савиядаги бақувват асарлар барибир ҳали кам. Саҳнанинг шундай ёзилмаган қонунлари борки, улар актёрлик санъатига даъвогарларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб қўяди. Тўғриси, профессионал соҳага ҳаваскорлар аралашган жойда иш бошида турганларнинг мақсади, манфаати бошқача бўлади. Чинакам санъат асари, юксак савиядаги кино ёхуд ТВ маҳсулотини яратишни ният қилганлар ижодий жараёнга ҳаваскорлик руҳини йўлатмайди.

Айниқса, театр саҳнаси бу каби "тажрибаларни" тан олмайди. Дунёга донғи кетган Жан-Поль Бельмондодек машҳур актёр театр саҳнасини ишғол қила олмаган. Актёр кинода ижро этган дастлабки икки-уч роли билан ҳамманинг оғзига тушиб, табриклар, мақтову олқишларга кўмилиб кетган. Биргина отасидан на табригу на бир илиқ сўз эшитмаган. Бунинг сабабини билишга қизиққанида отаси Поль Бельмондо: "Ҳақиқий актёр, аввало, саҳнада ўзини кўрсатиши керак", деб жавоб берган. Отаси бутун умрини ҳайкалтарошлик санъатига бағишлаган. Шунинг учун бўлса керак, санъатни жуда яхши идрок этган, театр санъатини қадрлаган.

Саҳна ишқида ёнган, саҳна тупроғини ялаган ҳақиқий актёр ҳеч қачон театрдан кетолмайди. Театрдаги фаолиятим давомида бунга амин бўлдим. Тўғри, "Паризод" филми экранга чиққанидан сўнг мухлисларим давраси анча кенгайгани сезилди. Филмда суратга тушишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари ва гашти бор. Чунки филм бир марта суратга олиниб, экранларга чиқиб кетади. Спектаклда эса ҳар safar образни мукаммаллаштириб бориш имкони бор.

Лекин томошабин билан юзма-юз туриб, жонли мулоқотда бўлиш анча мураккаб иш. Театр актёри ана шундай жонли мулоқотларда тобланади. Айниқса, психологик мураккаб образлар бўлса, куч-қувватингни, ҳиссиётларингни "суғуриб" олади. Саҳна шуниси билан қизиқарли. Яқин кунларда Америка драматурги Жон Патрикнинг "Севаман" дейиш шартмас" комедияси устида иш бошлаймиз. Комедиядаги асосий роллардан бири — Жеффри образи менга топширилган. Бу образда бор маҳоратимни намойиш этиш имкони бор. Ана шу имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Шаҳноза МАЖИДОВА
суҳбатлашди.

«ОЛТИН ГЕПАРД»НИНГ ЯНГИ ОДИМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Маълумки, Ўзбекистон азалдан кино санъати ривожланган мамлакатлар safida тилга олиниб келинади. Ватанимиз пойтахти кўплаб халқаро кино анжуманларга мезбонлик қилгани ҳам буни тасдиқлайди. Қувонарли жиҳати, истиқлол йиллари да бу анъана янгича маъно, янгича мазмун касб этди. Ўтган йили "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида халқаро Тошкент кинофоруминнинг ташкил этилиши бу йўлдаги муҳим қадамлардан бўлди. Эътиборли томони, мазкур анжуманнинг довруғи хориж мамлакатлари бўйлаб кенг ёйилди.

«Ҳурмат нишони» филмидан лавҳа. «Олтин гепард» 2011.

Кино санъати ихлосмандлари йил давомида орзиқиб кутган дамлар ниҳоят етиб келди. Тез кунлар ичида II "Олтин гепард" халқаро кинофоруми ўз ишини бошлайди. "Style.UZ" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилиши кутилаётган навбатдаги анжуман ҳам қизғин курашларга бой бўлиши аниқ. Мухлисларнинг ёдида бўлса, ўтган йили тадбир "Инсон тақдири — туйғулар фалсафаси" мавзуида ўтказилган эди. Бу safar анжуманга буюк юнон файласуфи Гераклитнинг "Яширин уйғунлик ошкорасидан кучлироқ" деган машҳур ҳикмати шиор қилиб олинган. Лойиҳа ташкилотчиларининг таъкидлашича, юқоридаги шиор биринчи кинофорумнинг мантиқий давоми бўлиб, танловда иштирок этаётган филмларнинг фалсафий моҳияти билан бевосити боғлиқ. Шу сабабли асосий эътибор соф муаллифлик йўналишида яратилган, мураккаб сюжетли картиналарни танлаб олишга қаратилди. Албатта, бу жараёнда мавзунинг долзарблиги, актёрлик ижроси ва режиссура каби омиллар ҳам ҳисобга олинди.

Дастур доирасида жами беш юзга яқин картиналар иштирок этган бўлиб, уларнинг асосий қисмини қисқа метражли филмлар ташкил қилди. Айниқса, Европа ва Осиё кино усталари анжуманга катта қизиқиш билдиргани эътирофга лойиқ. Қарийб бир йил давом этган саралаш жараёнлари натижасига кўра асосий намойиш учун ўттиз иккита филм танлаб олинди. Табиийки, уларнинг салмоқли қисми тўлиқ метражли картиналар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур картиналар орасида польшалик машҳур режиссёр Феликс Фалькнинг "Ионна" тарихий драмаси, Иштван Сабонинг "Эшик" (Венгрия-Германия), Жо Мин Хуажининг "Уфқ" (Хитой) каби филмлари бор. Ўтган йили "Биринчи тош" комедик картинаси билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган эронлик кино усталари бу сафар "Қиз... Ота... Қиз" (режиссёр Панахбархода Ризойи) номли психологик драмани тақдим қилишган. Танлов доирасида илк бор япониялик ижодкорларнинг "Қиёмат дўкони" (режиссёр Тацуя Ямамото) филми ҳам намойиш этилади. "Энг яхши тўлиқ метражли филм" номинациясида Аюб Шаҳобиддиновнинг "Паризод" ҳамда Ёлқин Тўйчиевнинг "Сукунат уйи" ("Афғон") картиналари мамлакатимиз номидан иштирок этади.

Бу йил асосий намойишда қатнашувчи қисқа метражли филмларнинг сони бироз қисқарган бўлсада, уларнинг бадиий савияси тўлиқ метражли картиналардан сира қолишмайди. Эътиборли жиҳати, намойишга қўйилган филмларнинг асосий қисми осиёлик кино ижодкорларга тегишли. Айниқса, "Маёқ" (Озарбойжон), "Кузнинг иссиқ кунлари" (Қирғизистон), "Автобус" (Туркия) филмлари мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Анимацион филмлар беллашувида эса "Оқ йўл" (Швецария), "Хушчақчақ Тонни" (Чехия), "Бувилар" (Буюк Британия), "Фламинго фахри" (Германия) каби ранг-баранг мавзудаги асарлар иштирок этади. Ҳар бир филм ўзига хос услубда ишланган бўлиб, улар орасида чизма тасвирли асарлар билан бир қаторда мураккаб компютер графикаси асосида яратилган анимацион ишларни ҳам учратиш мумкин. Ушбу йўналишда мамлакатимиз номидан Ҳамид Маҳмудхўжаевнинг "Интилиш" филми намойишга қўйилган.

Филмларнинг бадиий савиясига холис баҳо бериш мақсадида ташкилотчилар томонидан нуфузли ҳайъат жамоаси тузилди. Унга кўра, "Олтин гепард" кинофоруминнинг ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида Британия кино ва телевидение академияси раҳбари Ник Пауэлл тайинланди. Бундан ташқари, ҳакамлар таркибидан таниқли кино актёр Армен Жигарханян, машҳур немис оператори, "Олтин айиқ" мукофоти соҳиби Томас Маух, хитойлик ёзувчи ва сценарийнавис А Ченг, ФИПРЕССИ халқаро кино матбути федерацияси раиси Жан Руа сингари ижодкор ва мутахассислар ҳам ўрин олган. Ҳайъат аъзолари орасида юртимизнинг истеъдодли кино ижодкорлари Рустам Саъдуллаев, Собир Назармуҳамедов, Дмитрий Власов ҳам бор.

Албатта, "Олтин гепард" кино анжумани фақатгина филмлар намойиши билан чекланиб қолмайди. Таниқли санъатшунос, "Олтин гепард" кинофоруми раҳбари Акбар Ҳакимов таъкидлаганидек, ушбу анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий вазифалардан бири ўзбек томошабинларини дунё киноси билан яқиндан таништириш бўлса, яна бир муҳим вазифа ўзбек ва хориж кино усталари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Шу мақсадда форум ташкилотчилари томонидан катта дастурлар тизими ишлаб чиқилган, унинг доирасида "Замонавий кино: макон, замон, кўнгил" мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Тадбир давомида хориж кино усталари билан ижодий учрашувлар, маҳорат соатлари ҳам ўтказилади.

Азиз ИМОМОВ

ХОТИРА КЕЧАСИ

Тадбир

Ўзбекистон халқ артисти Мухтор Ашрафий мусиқа маданиятимизга катта ҳисса қўшган композиторлардан биридир. Ижодкор, айниқса, симфоник мусиқа ва опера санъатининг ривожланишига самарали ҳисса қўшди. Композитор "Бўрон" номли биринчи ўзбек операсининг муаллифидир. С.Василенко ҳамкорлигида яратилган беш актли мазкур опера санъаткорнинг кейинги ишларига пойдевор бўлди.

Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони асосида яратган "Дилором", шунингдек, "Шоир қалби" опералари, "Севги тумори", "Темурмалик", "Матонат", "Муҳаббат ва қилич" каби балетлари ўзбек санъатида муҳим из қолдирди.

М.Ашрафий "Момақалдирокда туғилганлар", "Кониюта ғорининг сири", "Қадим қалъа афсонаси", "Семурғ", "Ганг дарёсида тонг" каби кинофилмларга мусиқа ёзиб, кўплаб симфоник асарлар, вокал мусиқалар, камер чолғу куйлари, қўшиқ ва романслар яратди.

Мухтор Ашрафий асарлари оҳангининг халқчиллиги, ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Санъаткор педагог ва жамоат арбоби сифатида ҳам юртимиз мусиқа маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бугунги кунда композиторнинг шогирдлари устоз мақомида фаолият кўрсатишмоқда. Унинг дирижёрлик мактабини давом эттираётган биринчи ўзбек аёл дирижёри Дилбар Абдураҳмонова ҳозирга қадар Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ишлаш билан бирга, шогирдларига санъат сирларидан сабоқ бермоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида атоқли композитор ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Кечани очган Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев санъаткорнинг мусиқа маданиятимиздаги ўрнига алоҳида тўхталди.

Хотира концерти Ашрафийнинг сўзсиз қўшиқлари билан бошланди. Уни виолончелда Ойбек Имомов, фортепианода Мария Аҳаджонова ижро этди. Композиторлар Ойдин Абдуллаева ва Хуршида Ҳасанованинг Ашрафий асарлари асосидаги фантазиялари таниқли созанда Адиба Шарипова ва Диёра Турсунова ижросида янгради. "Севги тумори" балетидан адажио ва "Бухоро қизлари" рақси ҳамда Мустафо Бафоевнинг композитор хотирасига бағишланган концертини Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Элдор Азимов раҳбарлигидаги оркестр (фортепианода Заҳро Муҳаммаджонова) ижро этди.

Республика ва халқаро танловлар лауреати Умид Исроилов ижросидаги "Тонг чоғи эсган сабо" ва "Ғунчаи хандонимдан" романслари мусиқа ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Гулрух БОБОЖОНОВА

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Санъат мухлислари билан бевосита мулоқотлар актёр ва хонандалар учун ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келган. Сахий куз фасли ўзининг бор таровати на саховатини юртимиз узра кўз-кўз қилиб турган айни кунларда қишлоқларимизда юз бераётган ислоҳотлар жараёни билан бевосита танишиш, санъатимизни энг олис гўшаларда тарғиб этиш мақсадида адиб ва санъаткорлар дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлишмоқда.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси йўлланмаси билан Ўзбек Миллий академик, Ўзбек давлат драма театрлари, Муқимий номидаги, Ёш томошабинлар, Сатира, Алишер Навоий номидаги театрларнинг Фатхулла Маъсудов, Тоҳир Саидов, Абдурайим Абдуваҳобов, Азиза Бегматова, Жумадулла Раметов, Турғун Бекназаров, Наргиза Шаҳобова, Музаффар Ҳамидов, Қобил Умиров каби бир гуруҳ актёрлари Тошкент вилояти туманларидаги учрашувларда қатнашдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят театрларининг актёрлари вилоятлардаги маданият ва спорт ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда туман ва қишлоқларда бўлиб, жойлардаги маданий-маърифий, ижтимоий ислоҳотлар жараёни билан танишиб, мухлислар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Бу тадбирларда вилоят театрларининг етакчи ва истеъдодли ёш актёрлари қатнашиб, мухлисларнинг саволларига жавоб қайтардилар, спектакллардан саҳналар намойиш этилди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ҳам юртимиз меҳнаткашларининг кўнгилли маданий ҳордиқ чиқаришига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қорақалпоғистоннинг Нукус, Хўжайли туманлари, Андижон вилоятининг Бўз, Қўрғонтепа, Улуғнор, Булоқбоши туманлари, Жиззах вилоятининг Арнасой, Қашқадарёнинг Нишон, Миришкор, Муборак, Қарши, Косон, Навоийнинг Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа, Наманганнинг Поп, Косонсой, Мингбулоқ, Сурхондарёнинг Қизириқ, Денов, Музработ, Тошкентнинг Бекобод, Бўка, Чиноз, Пскент, Оққўрғон, Фарғонанинг Фарғона, Қўштепа, Ёзёвон, Қува, Хоразмнинг Янгибозор, Шовот туманлари ҳамда бошқа шаҳар ва қишлоқларда ўтган тадбирлар, концертлар бунинг ёрқин далилидир.

Концертларда таниқли санъаткорлар Озодбек Назарбеков, Ҳосила Раҳимова, Ғиёс Бойтоев, Тошпўлат Маткаримов, Илҳом Иброҳимов, Мансурхон Нурматов, Малика Эгамбердиева ва бошқа кўплаб эстрада хонандалари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан дилларга шодлик улашдилар.

* * *

Ўзбекистон халқ шоирлари Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари, шоира Энахон Сиддиқова, Ўктамхон Солиева, Қобилжон Шерматов ва бошқа ижодкорлар Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида бир неча туман ва қишлоқларда бўлдилар.

Ўз ахборотимиз.

ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Анъанага айланган ArtWEEK/Style.UZ санъат ҳафталиги доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёшлар театри ҳамкорлигида ўтказиладиган "Theatre.UZ" фестивали миқёси йилдан-йилга кенгайиб, олис Европа давлатлари театр санъати мутахассислари ва мухлислари эътиборини ҳам жалб қилмоқда.

Аввалги фестивалда мамлакатимиз, Германия, Буюк Британия, Исроил, Тожикистон, Озарбойжон театрларининг мавзу, жанр, услуб жиҳатдан ажралиб турувчи йигирмадан ортиқ спектакли намойиш этилганди. Тадбир доирасида ёш санъаткорлар учун хорижий мамлакатлар театр мутахассислари маҳорат дарслари ўтишди. Жумладан, Ёшлар театри биносида Уэльснинг Sherman Cymru театри арт-директори Филипп Маккензи ва унинг ижодий гуруҳи ҳамда Германиянинг Дрезден ёш авлод театри вакиллари Барбара Виман ва Бернд Сикора, Тошкент эстрада-цирк коллежида ҳам дрезденлик Барбара Виман ва Карен Бекер, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Исроилнинг Беер-Шева шаҳри Гудман театри ижодкорлари маҳорат дарсларини ўтказишди.

Фестивал якунида эса Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Марказий Осиёнинг жаҳон театр жараёнида тутган ўрни ва роли. Ўзбекистон театр санъатининг йигирма йиллик эркин ривожланиш босқичлари" мавзуида халқаро форум ўтказилганди.

Мана, яна бир йил ўтиб, "Theatre.UZ" фестивали учинчи бор азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда. Бир ҳафта давом этадиган мазкур анжуманда республикамиздан 14 та спектакл қатнашади. Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Танҳо юлдузим" (муаллиф Н.Аббосхон), Муқимий номидаги театрнинг "Африка гўзали" (муаллиф П.Мериме), Ўзбекистон академик рус драма театрининг "Сен билан ва сенсиз" (А.Менчелл), Ўзбек давлат драма театрининг "Аёл" (З.Қуролбоева), Ўзбекистон Ёшлар театрининг "Қизил елканлар" (А.Грин асари асосида), Ёш томошабинлар театрининг "Ҳалоллик истаб келдим" (Э.Хушвақтов), Қашқадарё вилоят театрининг "Бобомнинг орзуси" (Х.Хурсандов), Самарқанд вилоят рус драма театрининг "Кенг қамровли" (Н.Коляда), Фарғона вилоят рус драма театрининг "Трактирчи аёл" (К.Гольдони) "Дийдор" театр-студиясининг "Нодирабегим" (Т.Тўла) спектакллари шулар жумласидан.

Шу йил ўтказилган ёш режиссёрларнинг "Дебют" кўрик-фестивалида эътироф этилган Санъат ва маданият институтининг "Искандар" (режиссёр А.Холмўминов), Сирдарё вилоят театрининг "Ойдинда юрган одамлар" (режиссёр Н.Исмоилова), Бухоро вилоят театрининг "Майсаранинг иши" (режиссёр А.Ортиқов) сингари саҳна асарлари ҳам намойиш этилади.

Фестивал доирасида ўтказиладиган илмий-амалий анжуман ва маҳорат дарсларида республикамиз театларининг ёш режиссёрлари, Санъат ва маданият институтида таҳсил олаётган бўлғуси мутахассислар иштирок этиши режалаштирилган.

Ўзбек томошабинлари бешта хорижий мамлакатдан ташриф буюрадиган театр жамоаларининг спектаклларини томоша қилиш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, "work-in-progress" ("ривожланишдаги фаолият") жараёни сифатида Ўзбекистон-Исроил, Ўзбекистон-Германия, Ўзбекистон-Буюк Британия-Тожикистон-Қирғизистон қўшма лойиҳалари тақдим этилади. Ёш ижодкорлар учун ўзбек театр санъатининг йирик намояндалари Баҳодир Йўлдошев, Наби Абдураҳмонов ҳамда Буюк Британия, Исроил, Германия, Греция каби давлатлардан келадиган соҳа мутахассисларининг маҳорат дарслари, маърузалари, ижодий учрашувлар ташкил қилинади. Фестивалнинг сўнгги кунида замонавий театр санъати масалалари бўйича илмий-амалий анжуман ўтказилиши белгиланган. "Theatre.UZ/2012" учинчи халқаро фестивалнинг ёпилиш маросими Миллий либослар фестивали билан уйғунлашиб кетади.

Ушбу йирик санъат анжумани анъанага айланиши, унга бошқа минтақалардан ҳам театр ижодкорларининг таклиф қилиниши айни муддао. Зеро, анжуман юртимиз театр санъати мутахассислари учун ўзаро тажриба алмашиш, чет мамлакатларда шу соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ривожланиш жараёни билан яқиндан танишиш, мустақил Ўзбекистоннинг театр санъатидаги ютуқларини ва соҳани ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитларни халқаро миқёсда тарғиб қилиш учун катта имконият яратади.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси
ахборот бўлими

"БУНЁДКОР" СПОРТ САРОЙИ

бунёдкорлик тимсоли

Бошланиши биринчи саҳифада.

Агар истиқлолга қадар республикамизда фақат биргина футбол жамоаси маълум ва машҳур бўлган бўлса, мустақиллик йилларида асос солинган миллий чемпионат ўйинларида профессионал маҳорати жиҳатидан бир-биридан қолишмайдиган кўплаб жамоалар шаклланди, миллий терма жамоада муносиб тўп сура оладиган футболчилар камол топди. Оқибатда миллий терма жамоа сифатида илк йирик расмий мусобақада — 1994 йили Хиросима ва Нагасакида ўтказилган XII Осиё ўйинларида футболчиларимиз нафақат қитъадошларимизни, балки жаҳон футболи ҳамжамиятини ҳайратда қолдирган ҳолда мусобақанинг олтин медалини қўлга киритишди. Миллий чемпионатимизда тўп сурувчи футболчиларимиз бундан олдин Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари Кубоги ҳамда "Мустақиллик Кубоги" турнирларида ҳам бош мукофот эгаси бўлганди. Муваффақиятлар кейинчалик бошқа терма жамоалар ва клубларимиз мисолида ҳам давом этди — Фарғонанинг "Нефтчи" клуби Осиё Чемпионлар Кубогида бронза (1995), Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Ҳамдўстлик Давлатлари Чемпионлари Кубогида олтин (2007), Қаршининг "Насаф" клуби ОФК Кубогида бош мукофот, Миллий терма жамоамиз "Мердека" Кубогида олтин медалларни қўлга киритишди. Ногирон-ампутантлар терма жамоамиз икки маротаба (2007, 2009) жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Мини-футбол бўйича термамиз уч карра (2001, 2006, 2010) Осиё чемпионатининг вице-чемпиони, аёлларимиз эса ёпиқ спорт иншоотларида илк бор ўтказилган (2005) Осиё Ўйинларининг мини-футбол турида мутлақ ғолиб, аёллар ва эркаклар термаларимиз айнан шу мусобақанинг бронза медаллари (2006) совриндори, ёшлар терма жамоамиз икки бор жаҳон чемпионати финал босқичи иштирокчиси (2003, 2009), ўсмирлар термамиз эса Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори ҳамда жаҳон чемпионатининг (2011) чорак финал қатнашчиси бўлганлигининг ўзи юртимиз футболининг келажаги порлоқ эканидан далолат бермаяптими?

Бундан ташқари, миллий терма жамоамиз мустақиллик йилларида ўзи иштирок этган барча жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида сўнгги ҳал қилувчи плей-офф баҳсларигача етиб борган. Мураббий, футболчи ва ҳакамларимиз ҳам ўзларининг маҳорати ва тажрибалари борасида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашган, исботлаб келишяпти. Сергей Лебедев жаҳон терма жамоаси таркибида (1997) тўп сурган, Павел Бугало (1999), Виталий Денисов, Илёс Зейтуллаев (2002) Осиёнинг рамзий терма жамоаси таркибидан жой олган. Маҳмуд Раҳимов (1999), Рауф Инилеев (2007) "Осиёнинг энг яхши мураббийи" лауреатлари бўлишган. Сервер Жепаров икки бор (2008, 2010) "Осиёнинг энг яхши футболчиси", Равшан Эрматов эса тўрт маротаба (2008, 2009, 2010, 2011) "Осиёнинг энг яхши ҳаками" унвонларининг соҳиби бўлишди. Равшан Эрматовнинг 2010 йили ЖАРда ўтган жаҳон чемпионатида бешта ўйинни бошқариб, бу борада ўзига хос рекорд ўрнатгани эса чинакам оламшумул иш бўлганди. Яқин-яқингача фақатгина миллий, олимпия, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларимиз халқаро турнирларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётганди. Энди-чи, уларнинг сафига эркаклар ва аёллар ўртасида бир неча ёш гуруҳларда терма жамоалар фаолият юритишяпти.

Замонавий футболда улкан муваффақиятларни қўлга киритиш учун, аввало, унинг мустаҳкам пойдеворини яратиш лозим, барча қулайликлар муҳайё бўлган, халқаро талабларга жавоб бера оладиган йирик спорт иншоотларига эга бўлмоқ талаб этилади. Бу борада ҳам мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги сир эмас. Ўзбекистонда омма-вий ва професионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида қабул қилинаётган ҳукумат қарорларида бу масалаларга алоҳида урғу берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш борасидаги 1993, 1996, 1998, 2006, 2009 ва 2011 йилларда қабул қилган қарорларида болалар ва ўсмирлар футболига, стадионлар қуриш ва борларини реконструкция қилиш масалаларига алоҳида тўхталинган. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги мавжуд футбол мактаблари, мактаб интернатларининг ишини жиддий назорат қилиш билан бирга, миллий чемпионатимиз олий лигасининг ўн иккита клуби қошида махсус футбол мактаблари ташкил этилдики, бу ерларда таълим-тарбия олаётган ёшлардан келажакда етук футболчилар етишиб чиқишига умид қилса бўлади.

Барпо этилаётган йирик спорт иншоотлари вақти келиб нуфузли халқаро расмий мусобақаларга мезбонлик қилиш имкониятини бериши шубҳасиз. Бу йилнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва пойтахтда қуриб битказилган стадионларга ташриф буюрган мухлиснинг дили яйрайди. Бир ой ичида "Локомотив" стадиони, Бекободда "Металлург" ўйингоҳи ишқибозлар ихтиёрига топширилди. Олмалиқ, Фарғона ва Наманган шаҳарларида ҳам йирик спорт иншоотлари қурилиши, қайта таъмирланиши давом этмоқдаки, улар ҳам яқин вақт ичида фойдаланишга топширилиши муқаррар.

Мамлакатимиздаги энг муҳим ва энг йирик спорт объекти — бугунги кунда замонавий талабларга жавоб бера оладиган тарзда, кўзни қамаштира оладиган даражада қад ростлаган "Бунёдкор" стадиони эканлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Ўзбек футболи юзи ҳисобланиб келинган "Пахтакор" марказий ўйингоҳининг хизматларини камситмаган ҳолда бундан кейин марказий спорт иншооти айнан "Бунёдкор" бўлиб қолишига, ва у ҳар қандай йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказа олишига, турган гапки, бу ерда меҳмон бўлган барча-барчада илиқ таассурот қолдиришига шак-шубҳа йўқ. Ўз бағрига 34 минг мухлисни сиғдира оладиган ва Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур стадионни қуриш ишларига 250 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Қурилишни германиялик мутахассислар олиб боришди. Стадион худудида иккита улкан майдон, еттита чимли ва сунъий гиламли майдончалар, "Бунёдкор" футбол академияси тарбияланувчилари учун ётоқхона, ошхоналар, чўмилиш ҳавзалари, бир сўз билан айтганда, спорт шаҳарчаси барпо этилган. Энг қувонарлиси, футбол академияси Испаниянинг "Реал Мадрид" футбол академияси билан ҳамкорлик асосида иш олиб боради. Испаниялик мутахассислар бу ерда ёш футболчиларимизга ўз тажрибаларидан сабоқ беришади, ўз ўрнида, ёшларимиз йилига икки маротаба Испанияга бориб, маҳоратларини оширишади.

Бутун дунёда замонавий мегаполислар барпо этиш одат тусига кириб бораётган ҳозирги даврда азим Тошкентимизда бундай салобатли ва кўркам спорт саройининг очилиши барчамизга, бутун халқимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Яхши ният, эзгу орзулар билан бунёд этилган мазкур янги стадион миллионлаб футболсевар мухлисларимизга завқ ва шавқ бағишлайдиган, уларга қўплаб тотли ғалаба онларини улашадиган, ўзбек футболида янги иқтидорли ёшларни кашф этадиган, энг муҳими, халқимизни спорт соҳасида қўлга киритилган зафарлар билан ғурурлантириб, янги марралар сари ундайдиган бетакрор масканга айланишига шак-шубҳа йўқ.

Ойбек ЮНУСОВ

Дунё — кенг...

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

турлари кўпаймоқда

Бразилиядаги деярли ҳар икки автомобилнинг бири шакарқамишдан олинган ёнилғи — этил спирт билан ҳаракатланади. Эндиликда бу тажриба бошқа мамлакатларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Шимолий Осетиядаги маҳаллий заводлардан бирида биоэтанол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У таркибида шакари бор хомашё, масалан, турли донлардан олинмоқда. Бундай ёнилғи бензин билан аралаштирилса янада самарали бўлиб, ҳавога заҳарли моддаларни кам чиқаради. Ҳозир завод бир кеча-кундузда 200 тонна биоэтанол ишлаб чиқармоқда, бироқ эҳтиёж ошса, маҳсулотни янада кўпайтириш имкони мавжуд.

* * *

Мордовияда энг йирик биогаз электростанциясини ишга туширишга тараддуд кўрилмоқда. Станция биогазни қорамол фермалари чиқити ҳамда қанд лавлагининг қолдиқларидан олади. Фермер хўжаликлари ва қанд заводи хомашёнинг асосий таъминотчиси. Яқин икки йилда 27 минтақада 50 дан зиёд биогаз электростанциялари ишга туширилади.

— Қишлоқ хўжалиги чиқитлари, шунингдек, торф ҳам биогаз энергетикаси учун зарур маҳсулот бўлиши мумкин, — дейди Россия энергетика агентлиги раҳбари ўринбосари В.Басков. — Бизда узоқ вақтдан буён ишлатилмай ётган торфнинг умумий миқдори 175 млрд. тоннани ташкил этади. У ҳар йили 40 млрд. тоннага кўпаймоқда. Бундан ташқари, ўрмонларга зарар етказмаган ҳолда ҳар йили 1 млрд. тонна ёғочдан биоёнилғи олса бўлади. Бу марказий ҳудудлардан олисларда ҳам одамларни иш билан таъминлаб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

* * *

Яна бир экзотик энергия манбаи ер ости иссиқлигидир. Насослар орқали тортиб олинганда у йирик шаҳарларни ҳам иситади, ҳам электр энергияси билан таъминлайди. Масалан, вулқондан ҳосил бўлган ясси тоғликдаги Исландия табиий энергиянинг улкан манбаи устида жойлашган. Мамлакатда 5 та геотермаль электрстанция энергия ҳосил қилади. Улардан фақат биттаси пойтахт Рейкьявикни энергия билан тўла таъминлайди. Эндиликда ер остидан иссиқлик олувчи бундай насослар Россияда ҳам мавжуд.

— Иссиқлик насосларининг ишлаш жараёни қуйидагича: 1,5 метр чуқурликдаги ер ости қатлами доимий равишда +8 даража иссиқ бўлади, — дейди муҳандис В.Гун. — Ана шу қатламдан қувурлар тизими ўтказилиб, унинг ичида доимий равишда суюқ хладагент айланиб туради. Мазкур хладагент ер бағридаги иссиқликни ўзига сингдириб, истеъмолчига етказиб беради. Иссиқликни тортувчи насослар ёрдамида олинган энергиядан уйларни иситишда, турар жойларнинг иссиқ сув таъминотида, шунингдек, ёзда биноларни совутишда фойдаланилади. Ҳозир Камчаткада ҳам шундай геотермаль электростанция ишлаб турибди.

* * *

Муқобил энергия манбаи, айниқса, анъанавий ёнилғидан фойдаланиш қиммат тушадиган олис ҳудудларда беқиёс аҳамиятга эга. Ўтган йил ёзда Приморе ўлкасининг Перетичиха қишлоғида бир йўла ҳам шамол кучи, ҳам дизел агрегати ёрдамида электр қуввати берадиган автоном энергетика мажмуи ишга туширилди. Шамол айлантирадиган парракларининг узунлиги 30 метр келадиган бу қурилма қишлоқ қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, бу ердаги аҳолини туну кун электр қуввати билан таъминламоқда. Мажмуа тўлиқ автоматлашган: шамолнинг кучига қараб қурилма қайси манбадан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ўзи мустақил танлайди. Агар шамолнинг кучи кам бўлса, дизель-генераторни ишга туширади, шамолнинг кучи парракларни айлантиришга етса, дизель-генератор тўхтайди. Бундан ташқари, ортиқча энергия йиғилиб ҳам туради.

* * *

Олис Тува чўлларида яқинда қуёш батареясидан куч олиб ишлайдиган банкомат пайдо бўлди. Ҳозирча Россияда ягона бўлган бу ноодатий қурилма Қизил шаҳридан 40 километр масофадаги "Шоҳлар водийси" деб ном олган халқаро археология лагери яқинида ўрнатилган. Энди ёш олимлар ва талабалар лагердан ташқарига чиқмай туриб ҳам бемалол телефон ҳақини тўлаши, пластик карточкадаги ҳисобидан нақд пул олиши, интернетга боғланиши мумкин.

Шу йилнинг июль ойида эса, Чувашистон ва Нижегород области чегарасидан ўтувчи М-7 рақамли федераль трассада қуёш батеряларидан куч олувчи ёритгичлар пайдо бўлди. Бундай ёритгичлар автобус бекатлари ва пиёдалар йўлни кесиб ўтадиган жойларга ўрнатилди. Куннинг ёруғ пайти фотоэлементларда тўпланган энергия ёритгичларни тун бўйи электр қуввати билан таъминлашга етиб ортади. Бундай қурилмалар автойўллардаги кўриниш чекланган мураккаб участкаларни ёритади. Ўтган йили шундай ёритгичлар Ульяновск-Цивильск трассасига ҳам қўйилган эди. Қуёшдан нур олувчи ёритгичлар билан бирга шамол кучидан электр ҳосил қилувчи парракли қурилмалардан ҳам шу мақсадда фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Қуёшли кунлар кўп бўладиган Узоқ Шарқ, Жануби-Шарқий Сибир, Ёқутистон ва Байкалортида "қуёш-дизель" гибрид қурилмалари жорий этилмоқда. Машҳур бизнес-гуруҳ А.Ф.Иоффе номидаги Физика-техника институти олимлари билан ҳамкорликда яратган бундай қурилмалардан бири ишлаб берадиган электр энергиянинг 70 фоизи қуёш батареялари ҳиссасига тўғри келади. Анъанавий ёнилғи заҳираларини тежовчи бу янгиликнинг икки-уч йилдаёқ ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплаши кўзда тутилмоқда.

"АиФ"нинг 38-сонидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоировга онаси

РАФИҚА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида таниқли суратқаш Алексей Поповнинг "Она юрт кенгликлари" номли кўргазмаси намойиш этилди. Экспозициядан юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари акс этган суратлар ўрин олган. Муаллифнинг Хўжакент, Хумсон, Яккатут, Чинор, Бурчмулла каби сўлим масканлар манзаралари акс этган асарлари она-Ватанга, унинг табиати ва одамларига меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган. Харсанг тошларга урилиб тошиб оқаётган сойнинг тиниқлиги, маҳобатли дарахтнинг бақувват илдизларию уни чирмаб оқаётган зилол булоқ манзаралари гўё мойбўёқда чизилгандек таассурот қолдиради. Рангларнинг бундай табиий тусланишини суратчи шундай изоҳлайди:

Кўргазма залларида

— Сахий она табиатимизнинг ўзи бизга турфа мавзу ва рангларни тақдим этади. Мен фақат бу рангларни айни вақтида мухрлашга ҳаракат қилдим, холос.

Кўргазманинг Қуролли Кучлар давлат музейида ташкил этилишида рамзий маъно бор. Зеро, бу каби кўргазмаларнинг уюштирилиши Қуролли кучлар ходимларида юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

С.ҚОСИМОВА

ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ



Диққат, танлов!

ОИЛА — МЕНИНГ ҚУТЛУҒ БОҒИМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб "Оила — менинг қутлуғ боғим" мавзуида шеърлар танловини эълон қилади.

Танловга турли ёшдаги ижодкорлар ўзларининг оила мавзусига бағишланган шеърлари билан иштирок этишлари мумкин. Уларда халқимизнинг оилапарварлиги, мустаҳкам оиланинг жамиятдаги ўрни, аҳил-иноқлик, миллий қадриятларимиз, юртимизда оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик каби эзгу ғоялар тараннум этилиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 16-а бино. Телефонлар: 227-08-30, 227-08-27) 2012 йилнинг 1 декабригача қабул қилинади ва танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Ғолиблар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Танловга марҳамат, азиз ижодкорлар!

Ўзбекисон Ёзувчилар уюшмаси.

БИЛДИРИШ

Шу йил 3 октябр чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.

Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қават.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Суюндик МАМИРОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4863 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X